

**У. ЖУМАНАЗАРОВ,  
Б. ОЧИЛОВ**

**ШОИР ИЖОДИДА  
ФОЛЬКЛОР  
АНЪАНАЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**У. Жуманазаров  
Б. Очилов**

**ШОИР ИЖОДИДА  
ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ**  
(илмий рисола)

**ТОШКЕНТ**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2009

**УМУРЗОҚ ЖУМАНАЗАРОВ, БАХТИЁР ОЧИЛОВ.** Шоир ижоди ва фольклор анъаналари. Илмий рисола. 56 бет.

Рисолада XX аср ўзбек адабиётининг йирик сиймоларидан бири Ҳамид Олимжон ижодининг шаклланишидаги манбалар ва ижодий омиллар, шоир шеъриятига фольклор руҳининг зоявий-эстетик таъсири масаласи, "Жанчи Турсун" балладаси, "Икки қизнинг ҳикояси", "Ойсуи билан Бахтиёр", "Ҳайоат ва Омон" каби асарлардаги халқчиликнинг аса илмийлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, "Муқанна" драмасининг ҳақиқат ва ривож образига асар эканлиги, шоир ижодий фаолиятига бўлган сўзсиз йиллардаги жамеатчилик муносабати, шоир ижоди ҳамда болалар китобхоналиги масалалари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Мазкур илмий рисола адабиётшунослар, фольклористлар ва тилишуносларга, шунингдек, ўрта умумтаълим мактабларининг муаллимлари, махсус ва олий ўқув юртларининг талабалари ҳамда ўқитувчилари, аспирантлар, шунингдек, халқ маънавияти ва оғзаки ижоди билан шуғулланувчи барча шодқончи ходимларга мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

**Т.МНҲАЕВ**, Ўзбекистон Фан аربоби, Бириний номидиги Давлат мукофотининг соҳибдори, филология фанлари доктори, профессор.

**Такризчилар:**

**М.ЖҲРАЕВ**, филология фанлари доктори, профессор.

**А.Мусякулов** – филология фанлари доктори, профессор.

## 1. ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ МАНБАЛАР ВА ИЖОДИЙ ОМИЛЛАР

Адабий-бадий ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Ҳ.Олимжоннинг ҳақиқий халқчил шоир сифатида шаклланишида, дастлаб оила аъзолари ва ота-боболари хонадонларидаги кизгин суҳбатлар, Жиззах адабий муҳити ва кейинчалик халқ бахшилари билан шахсан танишиши, улар билан кўп йиллар ижодий ҳамкорликда бўлишлари, фольклор материалларини тўплаш, нашр этиш ва илмий ўрганиш фаолияти муҳим омиллардан бири сифатида катта роль ўйнаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Жиззахлик шоир Искандар Қамбар ўғли Мадюннинг хабар беришича, шоирга учинчи бобо авлод саналган мулла Ёқуб, унинг тўрт ўғиллари-Мулла Юнус, Мулла Юсуф, Мулла Ҳизир, Мулла Азимлар ўз замонасининг ниҳоятда дилкаш, меҳмондўст кишилар бўлишган. Айниқса, бобоси Мулла Азим ва унинг оила аъзолари, онаси Комила аянинг ўзи ҳам шеърят шайдоси, ижодкор халқ хазинасининг ўта билимдони бўлган. Ватандошимиз Ҳ.Олимжон ҳам ана шу муборак оилада тугилди, ўсди ва камол топди.

Шоирнинг болалик чоғлариданок фольклорга алоҳида меҳр қўйишга, халқ шоирлари билан кўп йиллар давомида ҳамнафас, ҳамдард ва ижодий алоқада бўлишга бобоси Мулла Азим сабабчи бўлган. Чунки, у Фозил Йўлдош ўғли билан шахсан таниш, ҳаётда кадрдон ва дўст бўлган. Халқ шоирининг айтишича, вақтинакти билан Жиззахга бориб, дўстининг яъни Азим бобонинг уйида, бир ҳафта, икки ҳафта туриб, кадрдонларига кўшиқ айтиб келган. Улар билан дардлашиб, ўзининг кўнглини ҳам ёзиб қайтган.

Ана шундай ўзаро ҳаётий дўстлик, ижодий ҳамкорлик, кизгин суҳбатлардаги дoston ва кўшиқларнинг ижро этилиши шу муътабар хонадоннинг кичик аъзоси ёш Ҳамиднинг мурғак калбида чуқур из қолдиради; ўз даврининг донгдор куйчиси Фозил шоир билан ёшликдан шахсан танишади. Бўлажак шоир калбида шеърятга, фольклорга бўлган ҳавас гунчалари янада ошади. Кейинчалик шу соҳанинг жонкуяри ва тадқиқодчиларидан бирига айланишига сабаб бўлади.

Ҳ.Олимжон ҳаётда ва ижодда халқ бахшиларига, умуман фольклорга алоҳида меҳр-муҳаббат ва самимий ҳурмат билан қаради. Буни биз Фозил шоирга бағишланган “Куйчининг хаёли”, Абдулла шоир Нурали ўғлига аталган “Думбиранинг мактови” шеърларида, “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд”, “Икки кизнинг ҳикояси” каби эртак дostonларида яққол кўрамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шоир фольклор билимдони сифатида ўз ижодида ўзбек халқ эртаклари ва дostonларига хос бўлган кўпгина халқона услубларни кўллайди. Натижада ҳар қандай китобхон бундай асарлар фольклорга хос бўлган оддий мотив ёки сюжет, қучли фантастика, эхтирос ва лиризм руҳи билан суғорилган шоҳ асарларга айланганлигини сезади. Булардан ташқари, шоирнинг “Шодиёна”, “Йигитларни фротга жўнатиш”, “Хат” ва “Бул омон”, “Қишлоқ кизи” каби шеърлари ҳам фольклор руҳи билан чуқур суғорилган ажойиб асарлар сифатида адабиётимиз саҳифаларидан муносиб жой олди. Уларни ўқиганда

хар бир шеърят шайдоси, ягона умумий хусусият- халқона ифода усули билан бирлашиб турганлигига гувоҳ бўлади.

Шоир Фозил Йўлдош ўғлининг эпик репертуарида сайкал тоғини “Алпомиш”ни синчковлик билан ўрганади, нашга тайёрлайди. Уни муҳим аҳамиятга эга бўлган сўз боши билан 1939 йилда чоп эттиради. Вақтли матбуот учун дoston хақида мақолалар ёзади.

Профессор Тўра Мирзаев шоир Ҳ.Олимжоннинг ана шундай буюк хизматларини “Алпомиш” дostonининг минг йиллик тўйига бағишланган халқаро илмий анжуманда қуйидаги гаплар билан алоҳида эътироф этади: “Шоир Ҳ.Олимжон дostonни нашга тайёрлашда уни қарийб ярмига қисқартирган. Аммо бу қисқартириш шу даражада билим ва санъаткорлик билан амалга оширилганки, бу ҳолат дostonнинг яхлитлигига путур етказмаган. Шоир дoston матнига биров бир сўз қўшмаган, дoston тилини таҳрир қилмаган... Нашрга тайёрловчи олти минг мисрага яқин матни қисқартирган бўлса-да, дostonни ўқиш давомида бу нарса деярли сезилмайди. Шоир нашрга каттагина сўзбоши ҳам ёзиб, унинг гоёлиқ-бадий хусусиятларини таҳлил этди. Шунинг учун ҳам бу нашр маданиятимиз тарихида катта воқеа бўлди ва халқ дostonларини нашр этишдаги ижобий тажриба сифатида ўз аҳамиятини ҳануз йўқотган эмас”.

Ҳамид Олимжон “Алпомиш” дostonини ўрганиш ва нашрга тайёрлаш жараёнида унинг тил гўзаллигига қойил қолади, улардан ўзининг асарларида жуда ўринли ва ижодий фойдалана олади. Масалан, “Алпомиш”даги:

**“Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,**

**Гулни кўрса маст бўп сайрар булбуллар”**

сингари мисралар “Зайнаб ва Омон” поэмасида қуйидагича берилади:

**Гул очилар баҳор чоғида**

**Ва тўлишар она боғида...**

Ҳамид Олимжон “Зайнаб ва Омон”даги

**Кокиллари унинг тол-тол**

**Лабларида битган қора хол,**

**Бу дунёга арзигудай бор...**

каби лирикнафас мисраларни “Алпомиш”даги

**Кокилларинг эшилгандир тол-тол,**

**Ҳар толига берса етмас дунё мол,**

сингари эпик тасвирдан ижодий фойдаланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай мисолларни шоир ижодидан жуда ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Халқ оғзаки ижодиётининг ёзма адабиёт вакиллари ижодига таъсири турли кўринишларда намоён бўлади. Профессор Б.Саримсоқовнинг қа йд этишича, фольклор ва адабиёт муносабатида қуйидаги икки тип кўзга ташланади: биричиси, оддий тип бўлиб, мақол, матал, учирик сўзлар ва турли иборалардан фойдаланиш бўлса, иккинчиси мураккаб тип бўлиб, у ўз навбатида, аналитик, синтетик ва услубий кўринишларга эга. Профессор С.Рўзимбоевнинг “Шоирнинг илҳом манбаи” номли мақоласида фольклор ва адабиёт муносабатидаги синтезлашган тип ҳақида гап кетади, яъни Ҳ.Олимжоннинг машҳур “Ўзбекистон” шеърининг илҳом манбаи – яратилиши фольклорга бориб боғланиши ҳақида сўз юритилади. Унда қуйидаги маълумотларга дуч келамиз:

Маданий меросимизнинг ноёб асарлари бўлган дostonларда элни таъриф қилиб шеър айтиш анъанаси мавжуд. Эпик қаҳрамон ов овлаб ёхуд ёр излаб, ўзга елларга бориб қолганда, ўша элдагилар ундан: “Эй йигит, қаердансан, ўз элинг таъриф қил”, - деб сўрашади. Ўшанда эпик қаҳрамон ўз эли ҳақидаги тасаввурини илриқ кечинма сифатида баён этади. Худди ўша лавҳа Хоразмда машҳур бўлган “Юсуф ва Аҳмад” достонида айниқса таъсирчан руҳда берилган. Юсуф ва Аҳмад Эрон шоҳига асир тушганда, шоҳ улардан кимлигини, эл-юртини баён этишни сўрайди. Ўшанда Юсуф Хоразмни таъриф эта бошлайди:

Эй шоҳим, бизнинг элларнинг  
Хуш ўтар ёзу қишлари.  
Боғларини боғбон боқар,  
Мевалидир ёкочлари.

Қарилари уйда ётар,  
Йиғитлари сайғок отар,  
Қиз-жувони чиқиб тутар,  
Завки сафодир ишлари.

Бедовлари жева чолур,  
Чопгонда пайкондек келур.

Табл қоксанг ўрдак учур,  
Баландпарвоздир қушлари.

Чўллари бор мурғзорли,  
Шаҳарлари хуш бозорли,  
Товушқонли, кийикзорли,  
Ёзи ёбоним дошлари.

Сахийлари Хотамча бор,  
Сардорлари Баҳромча бор,  
Майдон ичра Рустамча бор,  
Баланпарвоздир қушлари.

Бек Юсуфбек шулдир ишим,  
Еткай худога нолишим,  
Озод бўлғай банда бошим,  
Дуо қилса дарвешлари.

Ҳ.Олимжоннинг “Ўзбекистон” шеърисида эса қуйидаги мисралар бор:

Қорли тоғлар турар бошида,  
Гул водийлар яшнар қошида.  
Чор-атрофга ёйилган гилам.  
Асло йўқдир бундайин кўклам.

Чавондозлар бордир бу элда,  
Баҳор чоғи пишкирган селда.  
Арғумоклар қўшиғи бордир,  
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Даласида ўсмас тиконлар,  
Чўлларида чопмас илонлар,  
Куш учсада, куймас қаноти,  
Одам ўтса қуримас зоти.

Бунда булбул китоб ўқийди,  
Бунда қуртлар ипак тўқийди,  
Бунда ари келтиради бол,  
Бунда қушлар топади иқбол.

Куйчилари ўқийди ялла,  
Жувонлари айтади алла,  
Пазандаси ёпади ширмон,  
Қарилари кутади меҳмон.

Иккита парчага эътибор билан назар ташланса, ҳар иккала таърифнинг кўпгина муштарак томонларини англаб олиш қийин эмас. Жумладан, дostonдаги таърифда Хоразмнинг ёзу-қишларининг ўзига хос таровати куйланса, шоир мисраларида диёримизнинг кўклам фасли мадҳ этилади.

Дostonдаги элнинг қариялари, қиз ва йигитлари ҳақидаги таъриф шеърда янада конкретроқ тарзда ўз аксини топади.

Дostonда бедовлар, қушлар ғурур билан тасвирга олинса, шеърда ҳам арғумоклар, булбуллар таърифи юксак кўтаринкилик билан талкин этилади. Дostonда хатто чўлларнинг бағрида бебаҳо бойликлар яширингани куйланса, шеърда ҳам ушбу масалаларга асосий эътиборни қаратади.

Ҳар иккала шеърнинг бағрида яширинган юкоридаги асосий деталлар улардаги асосий мундарижанинг ўзаро анча яқинлигини ҳар жиҳатдан исботлайди.

Албатта, Ҳ.Олимжон шеърдаги таърифлар кенг камровли ва замонавий бўлиб, шеър эса ўзи яратилган давр билан узвий боғланган, бадний биржамон асардир.

Бирок бу шеърнинг пайдо бўлишида “Юсуф ва Аҳмад” дostonдаги Хоразм таърифининг муайян таъсири бўлиши мумкин. Чунки, Ҳ.Олимжон ҳондониди кўплаб бахшилар тез-тез бўлишиб, Мулла Азим билан суҳбатлашиб дostonлар куйлаганлар, қиссахонлик қилганлар. Ҳ.Олимжон эса “Юсуф ва Аҳмад”нинг кулёзмасини ўқиган бўлиши мумкин. Қолаверса, ушбу дoston Фозил шоир репертуарида бўлганлиги бизга маълум.

Бинобарин, дostonдаги эл-юрт таърифи Ҳ.Олимжонда Ўзбекитон таърифи билан алоқадор фикрнинг туғилишига сабабчи бўлиб шоирнинг илҳом манбаи сифатида хизмат қилганлиги, шубҳасиздир.

Ҳ.Олимжоннинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабати республика ёзувчилари уюшмасининг раиси лавозимида ишлаганида, А.Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан юбилей қўмитасининг илмий котиби, кейинчалик, қўмита раисининг ўринбосари вазифасида хизмат қилганида яна кучайди. Бу даврларда халқ бахшилари ўртасида мумтоз адабиётнинг энг сира асарларини оммалаштириш ва тушунтириш ишлари билан фаол шуғулланди.

Масалан, Навоийнинг 500 йиллиги ва грузин шоири Шота Руставелининг 750 йиллиги юбилейи муносабати билан уларнинг айрим асарлари мазмунини тушунтириб беради. Натижада, бадихағўй халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли Навоий асарлари асосида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландом” дostonларини, Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асари асосида шу номдаги дostonнинг халқ вариантини яратди, ижод қилади.

Ҳ.Олимжон 1938 йилда халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли билан бирга қозок эдиби Жамбул Жабаевнинг 100 йиллик юбилейида қатнашади. Бундан илҳомланган Ҳ.Олимжон Ж.Жабаевга бағишланган бир қатор мақоласи ва “Қозоғистон” шеърини яратса, Фозил шоирнинг “Нишондор Жамбулга” номли термаси рўёбга чиқади.

Адабий-бадий ва тарихий ҳужжатларнинг тасдиқлашича, Ҳ.Олимжоннинг бевосита ташаббуси билан халқ шоирлари Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан, Ислom шоир Назар ўғли ва Бола баҳши Абдуллаевлар республика ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган. Ҳ.Олимжон уларга шахсий котиблар тайинлаган, асарларининг нашр қилинишида бош-қoш бўлган, халқ шоирларининг ҳаёти ва ижодини мунтазам кузатиб, фикр-мулоҳазалар билдириб борган.

Хуллас, Ҳ.Олимжон болалик чоғлариданок фольклорга алоҳида меҳр билан қараган бўлса, умр бўйи халқ шоирлари билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамкор ва ижодий алоқада бўлди. Уларнинг дostonларидан ижодий равишда катта маҳорат билан фойдалана олди. Буларнинг ҳаммаси “Ҳамид Олимжон ва фольклор” мавзусининг турли қирраларини ташкил этади.

## **2. ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИГА ФОЛЬКЛОР РУҲИНИНГ ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ**

Халқ оғзаки бадий ижодиётига хос мазмун ва шакл компонентларидан фойдаланиш ёзма адабиётни бойитувчи асосий омиллардан бири. Зотан, истъдод халқ ҳаётидан, унинг маънавий-психологик ва миллий-маҳаллий руҳидан айри ҳолда баркамол бўлолмайди. Бинобарин, “шоир бўлиб туғилиш керак бўлса, у тақдирда халқчил ҳам бўлиб туғилиш керак” (В.Г.Белинский).

Ҳамид Олимжон В.Г.Белинский орзу қилган шоирлардан эди. Унинг шавқ ва сурурга тўла шеърияти теран халқчил ҳамдир. Шоирнинг бадий ижодда халқчилликнинг ўзагини ташкил этувчи фольклорга мурожаати масаласи ўзбек адабиётшуносларининг бирталай ишларидан ўрин олганлиги илмий жамоатчиликка маълум. Бу ишларда шоирнинг халқ оғзаки поэтик ижодиёти намуналарига мурожаат этишида келиб чиқадиган умумий принциплар аниқланган

ва фольклор Ҳ.Олимжон асарларига хос халқчиллик хусусиятининг марказий нуктаси эканлиги ҳақидаги хулосага келинган. Бироқ, назаримизда, шоир асарларига сингиб кетган фольклор руҳининг ғоявий-эстетик роли ҳали тўлалигича ёритилган эмас. Қолаверса, шу кунга қадар мазкур муаммога бағишланган алоҳида тадқиқот иши яратилмаган. Бу эса янги изланишларни талаб ва тақозо этади. Ўз устозлар ва Ҳамид Олимжоншунос ҳамкасблар ордидан эргашиб, мазкур масала хусусидаги фикрларимизни айтиб ўтмоқчимиз.

Ҳамид Олимжон том маънодаги халқчил шоир эди. Зотан, халқ дарди, туйғусини англай билиш бўлажак шоирнинг инсоний қиёфасини белгилайдиган фазилатлардан бири сифатида ёшлигидан мужассам топган эди. Тадқиқотчилар бу хусусда сўз юритганларида шоирнинг “Болалик кунларимда...” деб бошланувчи эътирофномасини келтиришни хуш кўрадилар. Жумладан, Насим Каримов шоир ижодига хос халқчиллик илдизларини шундай изоҳлайди: “Комила онанинг кўпинки, чўпчак, топишмоқ, эртақ ва ривоятларга бой муҳофазаси Ғойиб онанинг юлдузли кечаларида ҳам, Жиззахлик маҳалласидаги кўрган танчасида кечган узун кини кунларида ҳам асқотди. Халқнинг ижодий фантазиясидан сеҳрланган Ҳамид онасидан Ёрилтош, Тохир ва Зухра, Ойгул ва Бахтиёр ҳақидаги эртақларни такрор – такрор эшитди. Эртақлар олами, халқ, ижоди дурдоналари билан тўла муҳит Ҳамидда бадий сўзга нисбатан ҳавас ва сўнмас муҳаббат уйғотди”.

Олдимизга кўйилган вазифадан келиб чиқиб шунга аниқлик киритмоқчимизки, профессор Н.Каримов тилга олган Ойгул ва Бахтиёр номи билан аталадиган халқ эртаги мавжуд эмас. Мазкур номлар илк бор Ҳ.Олимжон томонидан халқнинг “Маликаи Хуснобод” эртагини ижодий қайта ишлаш жараёнида қўлланилган. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Н.Каримов юқорида негадир битта тушунчани англаувчи чўпчак ва эртақ сўзларини фольклорнинг алоҳида жанрлари сифатида санаб ўтади.

Н.Каримов Ҳ.Олимжонда халқ ижодиётига бўлган кизиқишнинг иккинчи омили сифатида мулла Азим хонадонига тез-тез келиб, дoston куйлаган Фозил Йўлдош ўғлининг ижодий таъсирини кўрсатиб ўтади. Бу таъсир шоирнинг “Куйчининг ҳаёли” шеърида ҳам эътироф қилинади.

Ўзбек халқ дostonларининг толмас куйчиси Ф.Йўлдош ўғлига бағишланган мазкур асар 1936 йили ёзилган. У 21 бандни ўз ичига олган олти қисмли катта ҳажмдаги шеър саналади. Бу асар яратилган даврда айрим ўзбек олимлари фаолиятида ҳам фольклор асарларига нисбатан вульгар-социологик қарашлар мавжуд эди. Чунончи, профессор Ҳ.Зарифов қайд қилиб ўтганидек, “қахрамонлик эпоси яратилиши ҳоким синфларга боғлаш назариясининг тарафдорлари 30-йилларда Россияда, шунингдек, барча республикаларда бор эди.”

Ҳамид Олимжон фольклорга муносабат масаласида кескин тортишув кетаётган ана шундай бир дамда тадқиқотчи шоир сифатида дostonлар саводсиз халқ томонидан эмас, аристократик гуруҳлар томонидан яратилган, деб даъво қилувчиларга муносиб ижодий зарба берди:

Бу ҳаёл сўнгсиздир, осмон каби кенг,

Бу ҳаёл туганмас ҳеч ҳали-бери.

Унинг бойликлари умрларга тенг,

Ҳамон белгисиздир бошланган ери.

“Бу хаёл”- шоир наздида яратувчи халқ руҳи. Омманинг бадиий ижодкорлик руҳи-сўз санъатининг бошланган ери ва даври эса, дарҳақиқат, белгисиз ва ноаёндир. У битмас-туганмас ва яшнаб-яшариб борувчи ҳазинадирки, “у сира тўхтамас, тошар доимо, килиб бўлармикин уни ҳеч баён?”

Шеърнинг иккинчи қисмида халқ дostonларига ҳар доимо жон бахш этувчи ўлмас мавзулардан бири муҳаббат мавзуси куйланади. Бу куйда ўзбек шеъриятида ишқий шеърларнинг гултожини яратган Ҳ.Олимжоннинг сози куйчининг хаёли билан жипслашиб- туташиб кетади:

Айрилиққа тушиб йиглар икки ёр,  
Бириси интизор ва бириси хор.  
Сабрлар тугади, синди косаси  
Ғам билан саргайди гулдайн дийдор  
Қирғоқларга урар дарё ўзини,  
Осмон қуршамишдир тупроқ юзини  
Баҳорий даштларга, гул водийларга  
Ойбарчин тикмишдир қаро кўзини (183- б).

Муаллиф куйчининг хаёли йўриғига янада теран кириб боради. Биз шеърнинг учинчи қисмида Ойбарчин қаро кўзини тиккан дашт ва водийлар қўйнига кириб борамиз. Шоирнинг дoston, эртак ва афсона яратувчилар маишатини, саргузаштларга тўла сайёр чорвадорлик амolini кўрсатадиган куйидаги мисраларига эътиборни қаратайлик:

Бунда на уй бордир, на том, на девор,  
Далада ўтади киш, баҳор ва ёз.  
Тогларда йўлчини ажалдан саклар,  
Кўллардан “қағолаб” учиб чиккан ғоз.  
Далани тутади йилқилар, қўйлар,  
Бахмалдан ёпилган ўтовлар, уйлар.

Қирк кеча, қирк кундуз тинмайин ўтар  
Бойвачча ўгилга аталган тўйлар (184- б).

Бу мисраларни ўқиган сайин халқ дostonларининг эпик олами кўз ўнгимизда тўлалигича жонлана бошлайди. Кўчманчи ўзбек уруғларининг хаёти ўзининг тарихан мураккаблиги билан, “олтойчилик йўлда қолган шўр элнинг” кўрган ситамлари билан йўғрилган ҳолда намоён бўлади :

Қора булутдайн босиб келар ёв,  
Алплар давра солар отлари асов.  
Эл чиқар, фарёди учар кўк сари,  
Қуллар исён қилар, қўлида кесов (184- б).

Шоир бизни кекса мозий қаридан яна ўз ҳиссиётлари тўлкинига олиб киради, минглар куйлаган тирик СЎЗнинг қудратини таърифлайди. Тирик сўзни ардоқлаб, созида яшартирган оташин куйчининг ҳам бошида ёғилган кулфатлар, яъни унинг аламзада жазо отряди томонидан оғир таҳқирланиши, қизининг эса номусидан айрилиши ҳақида сўзлайди.

Шеърнинг учинчи қисмида муаллиф ўз услубида барқарорлик касб этган контекстуал тажнис қабулини қўллайди. Унинг воситасида мазлум аждодлар

хотирасини жам этган эпик кўшиқ ва унинг муҳафазокори бўлган нуроний куйчининг нурли тақдирини куйлайди:

Энди кўшиқ хурдир, юраклар бедор,  
Қаддини кўтарди ўлка ва одам.  
Кўшиқлар мўл бўлсин, тетик ва кувнок,  
Ота замонамиз газалхон бир дам.  
Куй айтар булутлар ичидан инсон,  
Куй айтар мардона, жувон ҳаётга.  
Куй айтар лочинлар ўлкаси-осмон,  
Ота кўшиқ айтган етар муродга! (185-б).

Шу тарика шоир кечинмалари халқ дostonларининг руҳи билан бадий қоришиб кетади. Кўринадики, “Куйчининг ҳаёли” шеъри Ҳ.Олимжон томонидан эпоснинг яратилиши ва жамоа тафаккури элагидан ўтиши, сайқал топа бориши жараёнини олимона нигоҳ билан кузатишнинг бадий шаҳодатномасига айланган. Буларнинг ҳаммаси шоирнинг катта поэтик маҳоратидан далолат бера олади.

1937 йили ёзилган “Дўмбиранинг мактови” шеърининг мазмуни ҳам фольклорга хос поэтик шакл билан уюшгандир. Бунда халқ бахшилари репертуаридаги асосий жанрлардан бири бўлган терманинг бадий компонентларидан андоза олинган. Аслида Абдулла шоир Нурали ўғлига бағишлаб ёзилган бу асар гоъвий-тематик жиҳатдан анъанавий термаларнинг автобиографик турига мансубдир. Ҳамид Олимжон терма айтувчи бахшилар ижодини кузатар экан, уларнинг воқеликка образли муносабатини, эмоционаллик ва экспрессивликни таъминлайдиган стилистик призмаларини ўрганди. Жумладан, халқ бахшиларининг термаларида барқарорлик касб этган тажнис санъатини кўллаб, ўз ижодида лирик қахрамон тилидан дўмбирага мурожаат этади:

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондан,  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.  
Сен қўлимда кезиб ўтдим жахондан,  
Юрагимнинг тўри бўлган дўмбирам (231- б).

Маълумки, автобиографик термаларда бахши дўмбирага мурожаат қилиш фонида ўз ҳаётида бўлиб ўтган энг муҳим воқеаларни баён қилади. Ҳамид Олимжон олдида термачи бахшилар тақдирига хос умумлашма мазмунни юзага чиқариш вазифаси турар эди. Шоир бу ишни қойилмақом қилиб адо этадики, куйидаги мисралар бу мулоҳазани тўлиқ тасдиқлай олади:

Айланса-да рангим сарик осмонга,  
Сени чалдим, хор бўлмадим ёмонга.  
Қариганда етдим яхши замонга  
Ёвларимга бўри бўлган дўмбирам.  
Сен бор экан, ҳар иш келар қўлимдан,  
Сен бор экан, ҳайиқмасман ўлимдан.  
Минг ўргилиб толе топган элимдан,  
Ўтирганда сўри бўлган дўмбирам (231- б).

Шеърнинг қофияланиши ҳам анъанавий термалар шаклига мос бўлиб, биринчи банди а-б-в-б кўринишда, қолган тўққиз банддаги қофиядош сўзлар эса а-а-а-б шаклига эга. Ҳар бир банднинг сўнгги мисрасида дўмбира шаклига айтилган

“юрагимнинг жўри, билагимнинг зўри, куллигимда чўри, ёвларимга бўри, ўтирганда сўри, беш бармоқнинг шўри, кўзларимнинг нури, гулзоримнинг хури, душманнимнинг гўри” сингари сифатлар келтира олган. Бундан Ҳ.Олимжон шеъри халқ термаларига тақлиддан иборат экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Айтиб ўтилганидек, Ҳ.Олимжон ўз олдига қўйган ғоявий-эстетик мақсаддан келиб чиқиб, оригинал мазмунни шеърхонга етказишда халқ термаларининг шакл имкониятларидан кенг фойдалана олган. Бу ўринда мазкур шеърда кузатиладиган ёзма адабиётга, хусусан Ҳ.Олимжон услубига хос муҳим бир хусусият-анадиплосис (бадий такрор) санъати тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиздир. Яъни юқорида “сен бор экан...” бирикмаси банддаги ҳар иккала мисранинг бошланишида такрорланиб келгани сингари, бундай ҳолатни шеърнинг иккинчи, учинчи, еттинчи, саккизинчи, ва ўнинчи бандларида ҳам кузатиш мумкин. Масалан:

Сенинг билан сўз бермадим мен ёвга,  
Сенинг билан бирга бордим ҳар овга.  
Сен данғиллаб олиб бординг Московга,  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.

Шундай килиб, “Дўмбиранинг мактови” шеъри Ҳ.Олимжоннинг фольклорга муносабатини ойдинлаштиришда муайян тасаввур берувчи яна бир халқчил асар ҳисобланади.

“Шодиёна” деб номланган бошқа бир шеър эса шоирнинг ёзма адабиёт қўйнига халқ ижодиёти аъъаналари билан озикланган ҳолда кириб келганидан далолат беради. Ўн беш яшар Ҳ.Олимжон 1924-1927 йилларда Самарқандда “Зарафшон” газетасига илова тарзида номунтазам нашр этилган “Машраб” адабий-сатирик журнаlining омма орасида олиб борган тарғибот ишларида қувонади. Бўлажак шоир “Учкун” таҳаллуси билан мазкур журнал саҳифаларида тез-тез чиқиб турганлигини адабий-бадий манбалар яна бир бор тасдиқлайди.

Албатта, қайноқ курашлар жабҳасига кириб келаётган бошловчи шоирдан юксак бадийлик талаб этиб бўлмас эди. Шунга қарамай Ҳ.Олимжон масалага интеллектуал даражасида ёндашиб, 20-йиллар матбуоти руҳига мос, айна вақтда ҳамидона туйғун ва халқчил шеърлар яратади.

Шоирнинг “Йигитларни фронтга жўнатиш ” шеъри ҳам фольклор руҳи билан суғорилган асар сифатида диққатимизни жалб қилади. Ҳ.Олимжон иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ халқ олдидаги фукоролик ва ижодкорлик масъулияти чуқур хис этиб, Ватан чақириғига ҳамоҳанг жанговар шеърлар ярата бошлади. Чунончи, “Йигитларни фронтга жўнатиш” шеърининг ғоявий мазмуни онанинг вокзалдан жангга жўнаб кетаётган ўглига қарата айтган сўзларини ўша давр оналари - ҳозирги момоларимизнинг, Ватаннинг даъватномасига айлантиришга қаратилган. Асарнинг таъсир кучи, ғоявий- эстетик қуввати ана шу даъватномага сингдирилган. Шунинг учун шоир шеърнинг бешдан тўрт қисмини онанинг жанговар сўзлари учун ажратади. Бинобарин, она даъватномасисиз мазкур асар теран ғоявийликдан ҳоли бўлган қуйидагича воқеабанд шеърга айланган бўлар эди:

Поезд тайёр жўнамоққа,  
Вокзал тўла йигитга:  
Она бу кун кузатади,

Ўз ўглини фронтга.

Йигит қасамёд қилади,

Милтиқни кўлга олиб.

Паровоз ҳам қичкиради,

Поезд тушади йўлга.

Она йўлга тикилади:

-“Болам, йўлинг бўлсин ок...”

Поезд йўлдан йўқолгунча

Тикилади у узок (258-259-бетлар).

Шеърнинг гоёвий мазмуни халқ дostonларидаги онанинг эник кихрамон – бирор ботирнинг жангга жўнатишда айтадиган насиҳатларини жудд ўхшиши. Бу Ҳ.Олимжон ўз асарининг жангчилар руҳиятига монанд бўлиши, қолаверса, шеър матнинг улар томонидан ёдлаб олиниб доимо дилда саклашлари учун қулайлик туғдиришга ҳаракат қилинганлиги билан изоҳланади. Онанинг сўзлари халқона олқишлар, мақол ва тургун бирикмалардан ташкил топган. Масалан:

-Хайр, ўғлим, ок йўл бўлсин,

Хайр, кўзим қораси,

Билким, жангда билинади

Мард йигитнинг сараси (258-бет),

бандидаги мазмун фақат фольклорга хос воситалар (“Ок йўл бўлсин”, “кўзим қораси” бирикмалари, “мард майдонда синалади”мақоли ) ёрдамида юзага чиққанлигини кўрсатади.

Кейинги уч бандда фарзандлик бурчи, эл-юрт ва она олдидаги қарздорлик масъулияти ифода қилади. Унинг ҳар бир мисраси жўшқин ватанпарварлик ва халқчиллик билан сугорилган. Жумладан, она тилидан ўглининг тана ва онг аъзолари ва бу аъзоларнинг вазифаси куйидагича таърифланади:

Бандлар: жангчининг тана аъзолари: 3-бандда-... тиш чиқардим Тоғдай оғир билак бердим	Уларнинг вазифаси ёвларни тишласин, деб душманни муштласин, деб
4-бандда... икки кўз ҳам бердим оёқ бердим...	ёв келганда кўргали, ёв устига юргани
5-бандда ақл бердим... от ҳам бердим...	енгишга йўл топсин деб, жангга миниб чопсин, деб

Она ўглини элнинг ҳимоячиси деб билади ва бундан фахрланади ҳамда уни халқнинг бошига ёгилган балони кайтаришга отлантиради:

Мана бугун буюк халқинг,

Сени чақирди жангга:

Фашист деган бир аждаҳо

Ёв келибди ватанга (258-бет).

Шундан сўнг она ўғлига “фашист деган бир аждаҳо” билан жанг қилиб, у “кўкдан келса, қилич билан... ердан чиқса кўндок билан”(259-бет) ҳамла қилишни,

“бегўр, бетобут” қолдиришни тайинлайди. Нихоят, она ўгли қанчалик суюк бўлмасин, ўзининг огоҳлантирувчи ҳукмини эълон қилади:

Агар жангда иш бермасанг,

Олмасанг ботир деб ном.

Гитлерни енгиб қайтмасанг

Берган сутларим харом (253-бет).

Она ҳукмининг бу қадар кескинлиги, бизнингча, биринчидан, уруш даврига хос кучайтирилган ҳарбий интизом билан изоҳланса, иккинчидан, Ҳ.Олимжонга Олий Бош қўмондонликнинг урушнинг даслабки йилида И.В.Сталиннинг ташаббуси билан пухта ўйланмай қабул қилинган қарори, яъни фронтда душманга асир тушишга мажбур бўлган барча собиқ совет фуқороларини ватан хоини деб билиш ҳақидаги фикр кўрсатилган таъсир билан боғлиқ бўлса керак, деб изоҳлаймиз.

Демак, Ҳамид Олимжон ўз ижодида, айниқса шеъриятида халқ тилининг энг таъсирчан формаларини топиб, улардан маҳорат билан фойдаланган, фаол ишлатмайдиган жонли тил фактларини эстетик ходисага айлантира билган. Масалан, “берган сутим харом бўлсин” деган қарғиш айтимини олайлик. Бу бирикма тилимизда истеъмол даражаси жиҳатида жуда пассив. Оналар бу бирикмани фарзандаларидан дилозорлик кўриб, хўрланиб, ночор аҳволда тушганларида ҳам айтмайдилар, бунга чидайдилар ҳам. Аммо фарзандлар элнинг юзига оёқ қўйиб, ундан юз ўгирсалар, хоинлик йўлини тутсалар, ҳар қандай меҳрибон она ҳам уларни “берган сутларим харом” дея қарғаши табиий. Ҳамид Олимжон халқ ҳаётининг билимдони сифатида бу оғир қарғишни онанинг тилидан жангчи ўғлининг жангда иш бериб, ботир деган ном олиб, Гитлерни енгиб қайтишига шарт қилиб қўяди.

Бу шартнинг жангчи ўғил томонидан қандай қабул қилинганлиги шоирнинг мазкур асар билан кетма-кет ёзилган “Хат” шеърида ҳам истифода этилади.

Фольклорона оптимизм ва кўтаринкилик, муболағадор тасвир билан йўғрилган бу асар уруш йилларида жуда машҳур бўлган. Бунга биринчи галда шеър тилининг ўта халқчиллиги, содда ва ўйноқилиги замин яратган. Чунончи, жангчи қаҳрамон “одамхўр” билан олишиб, “унинг қонли туғёнидан” Ватанни озод қилмоқ учун афсонавий куч-қудратини намаён этади:

Дахшат билан бир ўтаман

Тепасидан бургутдай

Ёмғир каби ўк ёғдирсам

Тўкилади у тутдай.

Юрагини яшин каби

Доим ёриб ўтаман,

Дарё бўлиб тошаман-у

Ўз қаъримга ютаман (260-61- бетлар).

Бу мисралар бугунги зехни ўткир замондош китобхон учун эртакдай туюлиши мумкин. Аммо унинг онги эртаклар билан уйғонган, Алпомиш ва Гўрўғлилардай бўлишни орзу қилган жангчилар авлоди учун реал таъсир кучига эга эди. Зотан Ҳ.Олимжон шеъридаги жангчи образини халқ оғзаки ижодидаги эпик қаҳрамонлар - ботирлар каби фидоий ва чабдаст қилиб яратган. Асар

ниҳоясида жангчи ўзини фронтга йўллаган муштипар она ва Ватан олдида яна бир бор онт ичади:

Онт ичаман, ер юзида  
Қолса фашист деган ном.  
Она ўзим икрорманки,  
Берган сутларинг харом (262-бет).

Фақатгина фольклорга хос бундай эпик баён усули билан индивидуал услуб чапишмасини шоирнинг “Бўл омон” шеърисида ҳам кузатиш мумкин. Бу асар мазмунан “Йигитларни фронтга жўнатиш” шеърисига яқин турса-да, формал-поэтик жиҳатдан фарк қилади. Унда шоир классик ғазалчилик анъаналарига ноншогорона ёндашиб, аруз вазнининг рамалий мусаммалий мақсур баҳрида ўша дунр ватанпарварларига хос жанговар ифода этади.

Лирик қаҳрамон-даъваткор она ўғлини халқ асрлар мобайнида тилдан кўймай кўйлаб келган ботирлар сингари жангга бориб “Йигитлар боши бўлиш”га, “от кўйиб майдонга кириб”, “халқнинг ёвларига отган бош ёрар бир тоши бўл”ишга ундайди:

Ёвга сан ўткир қилич сол,  
Бағрини қилгил яро,  
Ерда ҳам осмонда қувлаб  
Бошига сол можаро.  
Ол қасос, ерларга янчиб  
Қил уни мотамсаро.  
Ёвни енгган паҳлавоннинг  
Номи кетсин халқ аро,  
Қаҳрамоним, арслоним,  
Меҳрибоним, бўл омон! (265-бет)

Шеърнинг ҳар учала бандида ҳам рафрен сифатида такрорланиб келувчи “Қаҳрамоним, арслоним, меҳрибоним, бўл омон!” мисралари мазмуннинг гоёвий-эстетик таъсирчанлигини оширган. Зотан, халқнинг жонли тилига хос модал сўзлардан ташкил топган бу мурожаатда лирик қаҳрамон, яъни ватанпарвар она бир жиҳатдан ўғлини хатарли жангга отлантурса, иккинчи томондан, унинг омонлигини, ажал майдонидан соғ-саломат қайтишни тилайди. Бу ҳол шеърнинг уруш укубатларини чекиб, ғалаба иштиёқида яшаётган кишилар юрагига кириб боришига имкон яратган. Демак, омманинг дилига ҳамиша халқчил ва самимий туйгулар билан битилган ўткир гоёвий асарларгина йўл топа олар экан.

Юқорида кўриб ўтилган ва баҳоли қудрат қисқача таҳлил этилган “Куйчининг хаёли”, “Думбиранинг мақтови”, “Шодиёна”, “Йигитларни фронтга кузатиш”, “Хат” ва “Бўл омон” шеърларини битта умумий хусусият-халқона ифода усули бирлаштириб туради. Биз бунга фольклор мотивларини қайта ишландек мазмун ҳодисасини эмас, балки оригинал мазмунга “либос” қилиб олинган халқ ижодиётига хос поэтик воситаларни назарда тутмоқдамиз. Бир вақтлар адабий жараёнда моҳир ёзувчи Т.Пўлатов фольклордан ижодий ўзлаштиришдаги бундай жараённи “ўқпоя” деб атаган эди. Дарҳақиқат, юқоридаги шеърларда Ҳ.Олимжон гоёвий-эстетик концепциясини “ўқпоя” деб тасаввур қилсак, фольклорга хос бадиий воситалар унинг “қобиғи”дир. Ўқпоя билан қобик органик бирикиб ўсиб

ривожлангани сингари Ҳ.Олимжоннинг фольклорона шеърларида ҳам ана шундай табиий мутаносиблик кузатилади. Бу, шубҳасиз, санъаткорона истеъдод билан қўлга киритиладиган муваффақият шоир ижодиётига хос ижодий-услубий хусусиятдир.

Шоир ижодининг бошланғич йилларида яратилган "Қишлоқ кизи" шеърларида фольклордан фойдаланиш юқорида ўрганилган асарларга нисбатан ҳийла ўзгачалиги билан диққатни тортади. Бу шеърда фольклорга хос поэтик тасвир воситалари "қобик" вазифасини ўтамайди, муаллиф бу гал фольклорона шаклга эмас, мотивга, яъни мазмун ҳодисасига мурожаат этади. Фикримизни далиллаш учун яна унинг ижодидаги айрим шеърларга эътиборни қаратайлик:

"Баланд тоғ устида бир кизни кўрдим,

Ўзи хур, лаблари қирмизни кўрдим.

Жадаллаб бордим-у, бир сўз айтай деб,

Кўзи уйқуда бўлса, уйғотай деб". (Халқ ашуласидан) (7-бет).

Ҳ.Олимжон мазкур кўшиқ-эпиграф мазмунини янгича гоё билан бойитади ва замонавий асарга айлантиради.

Феодаал қишлоғи жаҳолат ва маданиятсизлик макони эди. Унда неча минглаб "Ўзи хур, лаблари қирмиз" кизлар бир умр қора чиммат ичида яшаб, эрк ва маърифатдан йироқ эдилар. Шеър қаҳрамони тоғлиқ кизни ҳаётда "уйғонгач" тафаккуридаги мустақил фикрлари билан "кўзи очилган" ҳолда учратиб суюнади. Шарқнинг мазлума хотин-қизлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини таний бошлаганларидан мамнун бўлади:

Ажаб ҳол, тонгда бордим уйғонибдир,

Хурофот, эскиликдан жирканибдир,

Қўлида гунча гуллар тўлғонибдир,

Бир дам эрк бизда эркан ул билибдир (37- бет).

Шу тариқа муаллиф халқ кўшиғи мазмунидан ўта усталик билан моҳирона фойдаланиб янгича руҳдаги ҳаётий воқеяликни тараннум этувчи асар яратади. Бу асарда, кўриб ўтилганидек, асрлар мобайнида "кўзи уйқуда" бўлган ўзбек хотин-қизларининг собиқ социалистик ҳаёт жабҳаларига фаол қадам кўйиши қуйланади. Шеърда тасвирланган қишлоқ кизи бу жараённинг суратини тезлаштиришни истайди, бинобарин, лирик қаҳрамонга қарата шундай дейди:

Деди:

-Ўртоқларим ҳам чиқсин эрка.

Шунинг-чун тез етинг бизга кўмакка (37-бет).

Ҳ.Олимжон шеърлятида халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш усулларини кузатиш жараёнида уларнинг яна бир томони кўзга ташланади. Бу-фольклорнинг энг увол кўринишларидан бўлган, кичик жанрлари бўлмиш мақол ва маталлардан фойдаланишдир. Бу усул юқорида кўриб ўтилган фольклорона шакл элементларидан ёки бирорта мотивдан фойдаланишдан ҳийла фарқ қилади. Масалан, шоирнинг "Бахт тўғрисида" шеърини олайлик. Халқ орасида "ҳар ким ўз ризқини ер", "Ҳар ким тақдир қилганини ошар" каби мақоллар мавжуд. Фольклор хазинасидаги бошқа юзлаб мақоллар сингари буларда ҳам чуқур мазмун содда ва лўнда ифодаланган. А.Орипов мана шу мақоллар мазмунидан келиб чиқиб "Дунёни кизганма" шеърини яратди. Бизнингча, бундан ярим аср муқаддам "Бахт тўғрисида"

шеърининг ёзилишига ҳам шу мақоллар мазмуни туртки бўлиши мумкин. Негаки, Ҳ.Олимжон қалбида ўзининг нурли толеидан шодумонлик ҳислари тўлиб-тошган эди. Бу ҳислар асосан халқнинг яқин ўтмишидаги қора кунлари билан бугунги бахтли тақдири ва порлоқ келажаги ҳақидаги мушоҳадалар ассоциациясидир. Фалсафий мушоҳадаларнинг бадиий-эстетик ҳодисага айланиши, муайян мантик ипига тизилиши учун эса қандайдир сабаб керак бўлади. “Бахт тўғрисида” шеъри афтидан, қайноқ поэтик эҳтиросларнинг юқоридаги мақоллар мазмуни таъсирида тугал ифодасини топган кўринишидир.

Ҳар кимга бир “нони насиба”-

Паррандалар ўз ҳақкин тилар.

Кўпни кўрган қари дунёда

Бахт ахтариб кўплар ўтдилар (233- бет).

Инсон ҳамма вақт ўзига аталган насибадан баҳраманд бўли оладими?

Шоир шундай саволни қўяр экан, инсонга ҳаётда берилдиган ризқ-насиба деганда, аввало, эрк ва бахтни тушунади.

Бахт топилмас ҳеч бир замонда,

Эл қур бўлса, бўлса яланғоч.

Жаннатларни яратган одам

Натижада ўзи қолса оч (233-бет).

Лирик қаҳрамон “нони насиба”сидан баҳра олиб хурсандчилик билан кундалик бахтиёр ҳаёт кечираётганидан қувонади. Унинг келажиги “дунё-дунё армон” ва “асрларнинг мухтожлик тоши”дан халос этилган. Чунки у яшаётган “элини қучган мангу бир баҳор”.

Кувонч шулким, толе ёр бўлиб,

Бахтни топган элни кўролдим.

Асрларнинг қайғусин қарғаб

Шодлик ва бахт куйини чалдим (233-234-бетлар).

Кўрамизки, оддий халқ мақоли ҳамидона сурурга тўлган оригинал асарнинг тугилиши учун поэтик омил бўлган. Бунга муштарак ҳолатини шоирнинг ўзга асарларида ҳам кўплаб кузатиш мумкинки, биз бу ўринда юқоридаги мулоҳазалар билан чекланамиз.

Демак, Ҳ.Олимжон лирик асарларида фольклорга мурожаат этиш асосан халқона поэтик шакллар, фольклор асарларидан ўзлаштирилган мотивлар, шунингдек, мақол ва маталлардан фойдаланиш орқали амалга оширилган экан. Зотан, Ҳомил Ёқубовдек устоз “шоир лирикасига фольклор образларнинг уруғларини сочиб, авайлаб парвариш қилиб янги заминда қайтадан ўстирди”, деб ёганида тўла ҳақ эди, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, фольклор Ҳ.Олимжон лирикасига теран фалсафийлик, жўшқин оптимизм ва жозибадор ўйноқлик бахш этувчи бадиий факт бўлиб хизмат қилган. Навотор шоирнинг лирик шеърларига хос ана шу анъанани биз бугунги кунда ўзбек шеърятининг Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Ҳ.Ҳудойбердиева, У.Азимов ва бошқа вакиллари ижодида яна бир бор кузатамиз. Демак, Ҳ.Олимжон ўзбек шеърятининг тонготарида асрий оғзаки ижод намуналари билан омухталаштиришда муҳим ҳисса қўшган, бундай ижодий жараён ҳозирги шеърятимизда ҳам ўзгача услубда ҳамон давом этмоқда, дейиш мумкин.

### 3. БАЛЛАДА ВА ДОСТОНЛАРИНИНГ ХАЛҚЧИЛЛИК НЕГИЗИ

Ҳ.Олимжоннинг фольклор руҳида яратилган лиро-эпик асарлари бугунги кунда ҳам эстетик қимматини йўқотмаганлиги билан баробар, ўз даврида жуда муҳим адабий-тарихий вазифани адо этган эди. XX асрнинг 30-йиллари достончилигига бағишланган кўпгина тадқиқотларда, монография ва мақолаларда масалани бу томонига жуда кам аҳамият берилган. Маълумки, ўша йилларда амалга оширилган вазифа ёппасига саводсизликни тугатиш иши халқимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Унинг адабиёт ва санъат соҳасидаги алоҳида ҳосияти шу бўлдики, асрлар мобайнида тингловчи бўлиб келган кенг халқ оммаси-ўқувчи, яъни китобхонга айланди. Бироқ унинг достон ва эртақ воқеалари таъсирида барқарорлик касб этган кўникмалари ёзма адабиёт қонуниятларини, айниқса. Европа, рус ва ўзга қардош халқлар адабиётлари таъсирида яратилган янгича услубдаги асарларни қабул қилишга тайёр эмасди. (Бу ҳақда А.Қодирий “Ўтган кунлар” романи танқиди юзасидан билдирилган фикрларини эслайлик). Ҳ.Олимжон китобхонлар дилидаги маънавий эҳтиёжини биринчилардан бўлиб тўғри англаб ва ҳис қилиб ўз асарларини максимал даражада халқ ҳаёти билан боғлашга интилди. Бу фикрни унинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди: “Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин халқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш ва ниҳоят, умуман айтганда, ўзбек совет адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк бўлур”.

Ана шу интилишлар самараси ва ижодий изланишлари натижасида шоирнинг бир қатор баллада ва достонлари” чин маънода халқчил” асарлар даражасига кўтарилди. Хусусан, “Жангчи Турсун” балладаси шундай асарлар сирасига киради. Ҳўш, бу асарда иштирок этган фольклор унсурлари нималардан иборат?

Бу ўринда аввало шуни айтиб ўтиш керакки, “Жангчи Турсун” балладаси шоир томонидан бир неча лирик шеърларда “разведка” қилиб кўрилган жангчи ўғил ва она муносабатларининг бадиий такомилдир. Зеро, асарнинг ғоявий-эстетик таъсири кучи асосан онанинг сўзларига жалб қилинган. Профессор Ҳ.Ёқубовнинг тўғри таъкидлаганидек: “Халқ оғзаки поэтик ижоди ритми билан йўғрилган она нутқи фарзанди ҳақида эшитган хабар билан бошланиб, кетма-кет ўғлига берилган оташин саволларга ва ниҳоят қатъий буйруққа, қалб амрининг наказига айланади”.

Биз ўз олдимишга кўйган масалага устоз домла ҳам жуда тўғри ёндаша олган, яъни Ҳ.Олимжоннинг “Жангчи Турсун” балладасида фольклордан қай усулда фойдаланганини аниқлаб берган. Дарҳақиқат, назаримизда, бу асарда фольклорнинг шаклий компонентларидан унумли фойдаланган. Жумладан, она нутқининг ярми халқнинг жонли тилига ҳос риторик сўрок шаклида, иккинчи ярми эса ҳукм тарикасида ифода этилган. Онанинг сўроқлари ватани, эл-юрти ва оиласи шаънини муқаддас деб билувчи ҳар бир кишининг юрагида орият ҳисларини кўзгатувчи кучга эга. Бу масалада иккиланувчилар юрагига онанинг сўроқлари ўқдай қадалади:

Кўчадан ўтганинда,  
Ерга қарасинми эл?

Икки кўзинга қараб  
Тупроқ тўзғисинми ел?

Мард ўғлонлар элнинг фахри ва ишончи. Улар кўксини ёвга қалкон қилиб доимо элни офатдан асраб келганлар. Шунинг учун ҳам она жангда иккиланаётган Турсунга эл ўғлонларининг ана шу удумини эслатади:

Йигит бўлиб дунёда  
Шу учун юрганмидинг?  
Ўз юртидан чекинган  
Ботирни кўрганмидинг? (18-бет).

Она нутқининг иккинчи қисмида, юқорида айтилганидек, риторик сўроқ ўрнини ҳукм эгаллайди. Шоир шу ўринда фольклорга хос муҳим бир детални қўллайдигани, у балладани бадиий салмогини жуда юқори даражага кўтаради. Бу қонли кўйлак деталидир. У она Турсун олдида қўяётган талабларнинг кульминацияси сифатида диққатни жалб қилади.

Яна бир дўстинга айт,  
Сенинг ёнингда борсин.  
Қон бўлган кўйлагингни  
Олиб менга юборсин.  
Мен уни бутун элга  
Фахр этиб кўрсатаман.  
Шаҳар, қишлоқлар бўйлаб  
Уни кийиб ўтаман.  
Бир ботирнинг онаси  
Ватан учун ўлибди  
Унинг ёлғиз боласи... (19-бет).

Шаҳид ўғилнинг қонли кўйлагини кийиб “шаҳар, қишлоқлар бўйлаб” ўтиш Совет даври оналари учун типик ҳол эмас. Бу ҳодиса лоакал этник удум бўлиши мумкин. Балладада эса она нутқининг тобора жанговар тусе ола бориши ана шундай мантиқий ечимни тақозо этар эди. Демак, асарда оддий она эмас, балки оналарнинг, Ватаннинг умумлашма образини яратган.

Бу ўринда яна шунга ҳам тўхталиб ўтиш керакки, Ҳ.Олимжон асарнинг таъсир кучини ошириш мақсадида она образини баъзи ўринларда хийла умумлаштириб юборади. Хусусан, “Қочиб тирик қолгандан ўлганинг яхши менга” мисраларида онанинг ватанга бўлган меҳридан устун қўйилади. Холбуки оналар учун ҳамма вақт ватандан ҳам кўра фарзанд азиз. Тўғри, мазкур мисраларнинг айнан шу ҳолда янграши уруш йилларида ҳам, ҳозир ҳам қатъи тарбиявий аҳамият касб этади. Лекин ҳаётда ҳеч бир ўзбек аёли масалани бу тақлид кескин қўймаган бўлар эди. Қолаверса, шоир балладани ёзиб тугатгач, Зулфияга ўқиб берганида “Балки бу сатрни (юқоридаги мисраларни-муаллиф) бир оз бошқача айтганингиз маъқулмикин?”-дейди у.

-Йўқ,-дея жавоб берди шоир, -ҳозирги давр айнан шундай сўзни талаб қилмоқда”.

Наим Каримов Ҳ.Олимжон фикрини маъқуллаб, “...партия энди чекинишдан тўхтаб, хужумга ўтиш ҳақида фармон берган эди”,-деб ёзади. Фикримизча, она

пугкидаги бундай кескин ҳолат Олий Бош Қўмондон И.В.Сталиннинг юқорида қилаб ўтилган 247-сонли қарори руҳи билан боғлиқ.

Ёки бўлмаса, шоирнинг яна бир бошқа асарини олайлик. “Роксананинг кўз ёшлари”да ажал ўқларидан холи бўлган, ўзбек қишлоғида яшаётган украин аёли нега кўз ёш тўқади, нега кўчаларда унсиз фарёд чекиб саргардон юради? Бунинг сабаблари нимада?

Қаҳрамоннинг бошидан кечираётган драматик изтиробларининг сабабини энг шивало, фольклор билан, мусулмон мифологиясидаги айрим унсурлари билан боғлаш жоиз. Муаллиф ана ша унсурлардан жуда усталик билан, айтиш мумкинки, новаторона фойдаланган. Негаки, бу асарнинг композицион марказида учта масала туради: уруш, ғайридинлик, миллатлараро ҳамдўстлик. Неча юз йиллар давомида рухонийлар томонидан кишилар онгига сингдирилган ўзга дин сомеларига нодўстона қараш психологиясидан собик совет интернационализмини келтириб чиқаришга муваффақ бўлиш эса Ҳ.Олимжон даражасидаги истеъдоднинггина қўлидан келар эди.

Асар кульминациясида қўлида ўлик Вовани кўтарган Роксана билан қабристон қоровули ўртасидаги сўзлашув амалдаги интернационализмнинг юксак бадиий талқини сифатида зухур этилади:

Билсанг, менинг ҳам ўғлим

Қолди сенинг ерингда.

Бор менинг ҳам бир қабрим

Сенинг севган элингда.

Бу уруш кўп халқларнинг

Озорини ҳам қўшди.

Тақдирини қилди тенг,

Мозорини ҳам қўшди (31-бет).

Демак, фольклорга хос ғайридинлик унсури балладанинг гоъвий-эстетик таъсирчанлигини ва композицион бутунлигини таъминлашда гоъят муҳим роль ўйнаган, дейиш мумкин.

Шоирнинг “Икки қизнинг хикояси” достони ҳам фольклорга хос бадиий воситалардан баҳрамандликнинг яхши намуналаридан бўла олади. Унда муаллиф халқнинг асов дарёларни ўзига бўйсиндириб, фаровонлик йўлида хизмат қилдириш йўлидаги асрий орзулари ҳақида хикоя қилади. Бунда оригинал мазмун эртак ва ривоятларга хос ифода йўсинида баён этилади. Яъни, Чирчик дарёсига тўғон қурилиб, индустриал Чирчик шаҳрининг бунёд этилиши ижодкор халқнинг мўжизакор қудрати эканлиги ҳақидаги гоъя халқчил усулда китобхонга етказилади.

Достондаги “хикоя” “кеч пайтида ўз уйларидан бирга чикқан” икки қизнинг суҳбати асосида берилади. Хўш, нега икки йигитнинг ёки икки чолнинг суҳбати асосида эмас?

Бизнингча, афсоналар руҳи билан йўғрилган икки мустақил мазмунли асарнинг ёш ва шўх қизлар тилидан баён этилиши шоирнинг мазкур дoston яратилган 30-йиллардаги ижодидан марказий ўрин олган кундалиқ ҳаёт ва Шарқ хотин-қизлари озодлиги мавзуси билан боғлиқ. Негаки, эркин ва бахтиёр қизларгина кечкурун яшнаб-қувнаб ўтмиш афсоналарини хикоя қилишлари

мумкин. Қизлар суҳбати дostonнинг композицион бутунлигини таъмин этувчи, унинг иккала қисми учун қолипловчилик ролини ўтайдиган воситадир.

Маълумки, биринчи қизнинг тилидан баён этиладиган ҳикояда “дарё бўйи, тоғ этагида... ошиноси сув ва шаббода” бўлиб ўсган бир қизнинг номини эшитиб “узоқ эллардан” келган навқирон йигитнинг дарёни жиловлаш учун қилган мардона ҳаракати тўғрисида сўзланади:

Йигит излар қиз висолини,  
Етишмакка қандай чора бор?  
Ва ниҳоят дарёга тоғни,  
Ағдармоққа берганмиш қарор (98-бет).

Иккинчи қизнинг ҳикояси “дарё билан куч синашгали” бел боғлаганлар фожиасига тўлиқ. Зотан,

Бу синашда дарё ортига  
Чўккан экан қанчалар жонлар.  
Шунинг учун сув шағалида  
Эшитилар зору фиғонлар (100-бет).

Ҳ.Олимжон мазкур асарда Туркистон халқлари ҳаётида рўй берган буюк ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва буни муваффақиятли уदдалайди.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, адабиётшунос Н.Раҳимжонов “ўзбек совет адабиётида поэма”(Тошкент, “Фан”, 1986-йил) номли монографиясида 30- йиллар ўзбек поэмачилиги тўғрисида фикр юритар экан, негадир Ҳ.Олимжоннинг “Икки қизнинг ҳикояси” достони ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим топмайди. Тадқиқотчи 30- йилларда яратилган лирик поэмаларни тематик ва жанр жиҳатидан тасниф қилар экан, қуйидагича ёзади:

“... 30- йиллар лирик поэмачилиги ривожда лиро-публицистик (“Жабҳа бўйлаб”, “Комсомол келади” каби), лиро-психологик (“Дилқушо”, “Номус”, “Қаҳрамон қиз”), лирик хроника (“Март кунларида” ), қасида-поэма (“Фарғона”), очерк-поэма (“Мирза Ҳамдам”), символлар асосига қурилган ўйчанлик (“Ўртоқ”, “Чирок”) каби тур кўринишларда изланишлар олиб борилди”.

Ҳуш, “Икки қизнинг ҳикояси” достонининг 30- йиллар поэмачилигининг Н.Раҳимжонов санаб ўтган мазкур “тур-кўриниш”ларидан қайси бирига мансуб деб қараш мумкин? Тўғри, бу таснифда лиро-эпик поэмалар эмас, лирик поэмаларга хос хусусиятлар назарда тутилган. Агар Н.Раҳимжонов лирик поэмаларини белгилашда қўлланган назарий – меъзон нуқтаи назаридан ёндашилса, Ҳ.Олимжоннинг мазкур поэмаси ҳам Миртемирнинг юкорида кўрсатилган “Номус”, Ойбекнинг “Қаҳрамон қиз” поэмаларидан ҳам “лирик”ку!

Тематик жиҳатдан олиб қаралганда “Икки қизнинг ҳикояси”да публицистик ёки психологик, хроникал ёки қасида, очерк ёки символлар асосига қурилган ўйчанлик каби хоссалар устунлик қилмайди. Бу эса Н.Раҳимжонов тавсия этаётган “тур-кўриниш”даги поэмалар таснифи бирмунча изоҳталаб эканлигини кўрсатади. Масалан, М.Шайхзоданинг “Ўртоқ”поэмасини олайлик. Муаллиф бу асар ҳақида қуйидагиларни ёзади:

“...бу типдаги фикрчан поэмалар сюжетини лирик қаҳрамоннинг қалб диалектикаси, ана шу жараёндаги мушоҳадалар, кечинмалар зиддияти ташкил

килади”. Хўш, мана шундай сифатдаги асарлар лиро-психологик поэма бўлмайдими? Муаллиф эса бу асарни “символлвр асосига қурилган ўйчанлик” тур-қўрғинишига киритади. Демак, лиро-психологик поэмалар билан символлар асосига қурилган ўйчанлик характеридаги поэмалар ўртасида принципиал чегара-чек йўқ экан-да!

Умуман, 30-йиллар поэмачилиги, хусусан Ҳ.Олимжоннинг бу даврда яратилган поэмалари фақат фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари нуқтаи-назаридангина иборат эмас, балки умумназарий жихатдан ҳам чуқур ўрганишни талаб этадики, бу масала бошқа бир тадқиқот объекти бўла олади.

Энди шоирнинг “Ойгул билан Бахтиёр” достонини кўриб ўтайлик. Маълумки, мазкур асар ижодкор халқнинг “Маликаи Ҳуснобод” эртагини ижодий қайта ишлаш асосида яратилган. Илмда тадқиқотчи Р.Каримбоева мазкур эртак билан достоннинг ўхшаш ва фарқли томонларини қисман кўрсатиб берган.

Масаланинг моҳияти ҳам, бизнинг олдимишга қўйилган вазифа ҳам Ҳ.Олимжоннинг фольклор мотивидан ижодий фойдаланишдаги маҳоратини белгилашга қаратилаган экан, бу ўринда аввало шуни айтиб ўтиш керакки, шоир халқ оғзаки ижодиётининг билимдони сифатида “Маликаи Ҳуснобод” эртагининг сюжети ва композицион талаблари доирасида чекланмайди. Балки умуман ўзбек халқ эртакларига хос бўлган бир талай эпик қабулларни ўрни-ўрни билан қўллайди. Натижада оддий фольклорий мотив кучли фантастика, эхтирос ва лиризм билан сугорилган асарга айланади.

Ҳ.Олимжон достон сюжетини ҳам фольклордаги муҳим қонуниятлардан бири бўлган шартли учлик асосига қуради. Чунончи, воқеа уч маконда-Жамбил, Жаржон ва Сусунбулда бўлиб ўтади, бош қаҳрамон Ойгулнинг хуснига ошиқ бўлганлар сони ҳам учта, анъанага мос ҳолда ошиқларнинг сўнгги-учинчи қаҳрамон истаган киши бўлиб чиқади. Сиртдан караганда, қул Тарлон томонидан зиндондан яширинча озод қилиниб, сандикда дарёга оқизиб юборилган Ойгулнинг Жаржон мамлакатида кечирадиган саргузаштлари достонни сунъий кенгайтириш учун киритилгандек туюлади. Лекин бу ҳол асарнинг ғоявий-бадий мундарижаси талабларидан, қолаверса, шартли учлик қонуниятига мос тарзда реаллашади. Зотан, бош қаҳрамонни гаройиб синовлардан ўтказиш зарурати ҳам шуни тақозо этар эди.

Достон экспозициясидаёқ реалистик тасвир талаблари билан сугорилган индивидуал услубнинг халқ эртакларига хос “зачин” га бадий қоришиб кетганлигининг гувоҳи бўламиз ва бунга ишонч ҳосил қиламиз:

Жамбил деган томонда

Жуда қадим замонда

Қуллар исён қилдилар.

Жангга кириб қўшинлар

Уришиб ойю кунлар

Дунёни қон қилдилар (107бет).

Муаллиф афсонавий қуллар исёнига реалистик тус беради, натижада ўқувчи кўзи олдида халқнинг ўтмишда феодал ҳукмдорлари зулмига қарши қўтарган норозилик ҳаракатлари манзараси жонланади:

Талаб қилиб ҳақ ва нон

Асло кўркмай ўлимдан

Ўч олар эди зулмдан  
Сира қилмай андиша,  
Чопарди қўлда теша.  
Бирови ушлаб касов  
Савалайди келса ёв.  
Болтаси бор бирининг –  
Ўлим келмас унга тенг.  
Агар дуч келса шу чоқ,  
Ағдарарди бўлса тоғ (107-бет).

Шоир тарихда омманинг ҳал қилувчилик ролини бадий эътироф этар экан, масалага тарихий-диалектик нуқтаи назардан ёндошиб, қуллар исёнининг ташкилотчиларини бизга таништиради. Кекса Дархон ва қизи Ойгул бошчилигидаги исён золим хон томонидан бостирилади. Бош қаҳрамон муаллифнинг гоёвий-эстетик концепцияси талаби билан вақтинча муваффақиятсизликка учрайди. Чунки бу мағлубият кейинги воқеалар занжирини бошлаб беради. Халқ эртагидаги Хуснобод юртга подшолик қилувчи отасининг зулми, адолатсизлиги туфайли саройдан бадарга бўлиб оддий халқ орасида чинакам дўстларини топган бўлса, Ойгул зиндонбандлик ва тажовускор хоннинг исканжасидан тасодиф туфайли омон қолади. Аммо бу ҳали озодлик дегани эмас. Оч ва юпун махбуса толени тақдирдан кўриб сандик ичида дарёдан оқишга мажбур.

Муаллиф Жаржон подшосини тасвирлар экан, феодал ҳукмдорларининг типик белгиларини моҳирона чизади. Уларнинг ҳаммаси мол-дунёга, маишат ва бузукликка ўч кимсалар. Шу сабабдан Жаржон подшосининг сувда оқиб келган гўзални кўриб акли шошиши табиийдир. Ҳ.Олимжон ана шу руҳий ҳолатни ўзига хос услубда бера олади:

У чандон яқин келиб,  
Еб қўйгудай тикилиб  
“Сен менга теккин”, деди...  
“Эру хотин бўлурмиз” (116-бет).

Хурликка ташна Ойгул золим подшо хирсининг қурбонига айланишдан ўлимни афзал кўради ва ўзини дарёга ташлайди. Шартлилик санъати қаҳрамон тақдирига янги йўл очади, унинг толеи учун яна тасодиф хозирлайди, натижада, балиқ уни бир ямлаб ютиб юборади:

Балиқ қорнида шу он  
Тебраниб у ён – бу ён.  
Ойгул кўзини очди  
Ва Бахтиёрни кўрди (119-бет).

Ижодкор халқ ҳамиша ва ҳар доим оптимистдир. Унинг ирода ҳошишига кўра ҳамда орзу-истаги йўлида амалда армонга айланган бахт ва эркинлик, ўз севгани билан яшаш рўёбга чиқади. Тақдирнинг афсонавий чиғиригидан бардош билан эсон-омон ўтган Ойгул ўзи сингари камбағал, аммо юраги пок ва иймони бутун йигит Бахтиёр билан қовушади.

Доно келин Жайхун балиқ ичидан топган гавҳарлари эвазига оч ва ялонғочларни боқа бошлайди. Ҳар тарафдан кела бошлаган мухтож кишиларни

кўйиб туриб, тўйдириб, Сусамбилни обод масканга айлантиради. Озодлик ва тўқлик парчаланиши туйган халқ Ойгул билан Бахтиёр бошчилигида золим Жамбил хони устига юриш бошлайди:

Жамбилнинг хон, беклари

Куён бўлиб кочдилар...

Эл туриб шу чок: “Ойгул!

Хонни ўлдир!-дедилар-

Бутун юрт ва барча эл

Сендан ушбуни тилар”.

Ойгул эл талабини

Қилиб ўлдирди хонни (128-129-бетлар).

Халқ қахрамони анъанага кўра танти ва авфкор. У ўзининг ашаддий душманини элнинг талаби билангина ўлдиради:

Достоннинг хотимаси ҳам эртақ руҳига монанд:

Ойгулдан жаҳон-жаҳон

Эл, барча рози бўлди,

Қалби шодликка тўлди.

Қирк кечаю қирк кундуз

Барча эркак, хотин-қиз

Ўйнаб байрам этдилар

Золим хонни йўқотиб,

Қайгуларини отиб,

Муродига етдилар (130-бет).

Маълумки, ёзувчи кўрсатади, тарихчи излайди, эртақчи сўзлаб беради, халқ бахшиси эса думбираси билан эпик воқеликни куйлайди. Шунга кўра фольклор асарларига реалистик ёзма адабиёт талабларини кўйиб бўлмагани сингари сўз санъатининг хар икки тури чатишмасидан пайдо бўлган “Ойгул билан Бахтиёр” достонининг бадиий хусусиятларини ўрганиш ҳам айрича муносабатни тақозо этади. Чунончи, кул Тарлон томонидан Ойгулнинг зиндондан озод қилиниши воқеасини олайлик. Маълумки, халқ эртақлари эстетиканинг ижтимоий-тарихий воқелик ёки умуман ҳужжатлиликдан алоқасини узган соҳасидир. Шунинг учун бахши ёки эртақчи қахрамоннинг психологик кечинмалари ёхуд унинг фаолиятига тааллуқли бўлган иқир-чиқирлар тўғрисида сўзлаб ўтирмайди. Ҳ.Олимжон ҳам асарнинг композицион бутунлигига путур етказмаслик мақсадида масалага яратувчи халқ позициясидан туриб ёндашади. Ойгулнинг Жайхун балиқ ичидан тирик чиқиши ҳам бадиий сўз санъатининг шартлилик қонунияти намунаси ҳисобланади:

Муаллиф нутки халқ тилига хос сифатлаш, жонлантириш ва ўхшатишларга бой. Масалан:

Сандикдан бир жонивор

Қоматини кўтарди

Чинордайн бўйи бор,

Одамга ўхшар эди... (115-бет).

Ёки муболағага мисол:

Ойгулни Жайхун балиқ

Олди-ю ютиб кетди  
Томогидан қилчалик  
Оп-осон ўтиб кетди (117-бет).

Маълум бўладики, Ҳ.Олимжон халқ эртагининг мазмунига санъаткорони ёндашиб, ундаги умуминсоний ибратли ғояларни ҳамда мазкур жанрнинг анъанавий формал-поэтик воситаларини индивидуал бадиий тўқималар билан пайванд этади. Демак, лирик шеърларга нисбатан дostonларда халқнинг бадиий тафаккури элагидан ўтган мотивлардан ижодий фойдаланиш имкониятлари кенгрок эканлигини шоир ўз ижодида яна бир бор исботлайди.

Шоирнинг “Семург ёки Паризод ва Бунёд” эртақ достони аниқ фольклор мотиви негизида яратилмаган. Фольклоршунослик илмидан беҳабар бўлган Ҳ.Олимжон бу асарни халқ эртақларига хос мотив ва деталларни оригинал бадиий тўқима ипига тизиш оркали вужудга келтиради. Эътибор берсангиз, муаллиф эртақларнинг традицион унсурларини ижодий қайта ишлаш учун саралаб олганлигининг гувоҳи бўласиз. Чунончи, кекса подшо ва унинг ягона тантиқ кизи томонидан куёвликка даъвогарлар олдига мушкул шартларни қўйиши, бу шартлар бой ва бойваччалар томонидан эмас, балки халқ орасидан чиққан оддий қахрамон томонидан бажарилиши фикримизнинг далилидир.

Шоирнинг бадиий маҳорати яна шунда намоён бўладики, асарда “Ойгул билан Бахтиёр” достонидагидек фольклор руҳи билан индивидуал бадиий тўқима нисбати муайян қонуният асосида бир-бирига мутаносиблаштира олган. Зотан, ўзбек халқ эртақлари орасида “Семург ёки Паризод ва Бунёд” номи билан аталадиган эртақ йўқ. Буни илм аҳли, айниқса, фольклоршунослар яхши билишади.

Достон фольклорона “зачин” билан эмас, балки реалистик дostonларга хос экспозиция билан бошланади:

Сарв қомат Паризод  
Ўсди ғамлардан озод.

Баҳор янглиғ очилди  
Гуллар каби сочилди (170-бет).

Кекса хоннинг ўжар қари кизи эрга тегмаётганидан нолиши ва ниҳоят Паризод томонидан куёвликка даъвогарлар олдига оғир шарт қўйилишини дostonнинг тугуни деб билиш мумкин. Шоир томонидан бош қахрамонни таништириш, яъни Бунёднинг “зўр чинорни йиқмокка” кодир эканлигига ишончсизлик мотиви фольклорда кенг ёйилган ходиса. Маълумки, халқ ижодиётида маҳоратнинг юмморатга, акаларнинг кенжа укага, катта куёвларнинг кенжа куёвга, одамларнинг қал, аҳмоқ ва умуман қахрамонга нисбатан ишончсизлик билдириши халқ оғзаки ижодиётига хос барқарор қонуниятдир. Ҳ.Олимжон ундан қуйидагича фойдаланади:

Ҳамма одам жим қолди,  
Оғир ўйга ботдилар,  
Охир шуни айтдилар:  
“Ёлғиз бир Бунёд қолди,  
Ўша бир беот қолди,  
У бир чўпон бечора,

Бу ишга топмас чора,  
Паризодга тенг бўлмас,  
Кийимига енг бўлмас.  
Чинорга чиқолмас ҳам,  
Чиқолмас, йиқолмас ҳам” (176-бет).

Фольклорона хаёлий- фантастик унсурларнинг иштироки нуктаи назаридан муқофса этилганда шоир бундай компонентлардан “Ойгул билан Бахтиёр” асарига ишбеган “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” достонида кўпроқ фойдаланганининг гувоҳи бўламиз. Чунончи, биринчи асарда хаёт ҳақиқатига зид келувчи фантастик асар асосан Ойгулни Жайхун балиғи ютиб юбориши ва унинг ичидан тириклай чиқиши билан кифояланса, “Семурғ...” достонида бундай тилсимли ҳолни бир неча ўринда кузатиш мумкин. Масалан:

От яшиндай кўзгалди,  
Ўт сингари йўл олди.  
Булутлар орасида,  
Осмоннинг қорасида  
У чинорга ўтирди,  
Чинор томири билан,  
Кўкарган ери билан  
Кўпорилди гувиллаб (177- бет).

Ёхуд Семурғ қушининг ва одамхўр девнинг инсон тилида суҳбатлашиши ва ҳоказо фантастик ҳолатларни эслаб ўтиш жоиз. Бундай бадий компонентлар шоирнинг маънавий-ижодий жамғармалари билан омукталашган ҳолда бош ғояни юзага чиқариш учун меъёри билан қўлланган. Мардлик ва ҳалолликни улуғлаш, зулм ва мунофиқликни, иккиюзламачиликни қоралаш мавзуси фольклор мотивлари воситасида ана шундай ўқимишли ва севимли асарга айланади. Ёш китобхон лавфсизлик, аҳдга хиёнат каби иллатлар ўзгалар меҳнати эвазига кун кўрувчилар табиатдаги типик ҳол эканини англаб етади, ботирнинг қайтишини кутмай такаббурлик қилган Паризоднинг куйидаги сўзларидан нафратланади:

Чўпонни севолмадим,  
Ҳеч кўнгил кўйолмадим,  
Қанча ботир бўлсанг ҳам,  
Зўр баходир бўлсанг ҳам.  
Тушагинг ҳас деб билдим,  
Аслингни паст деб билдим (193-бет).

Хуллас, “Семурғ...” достони фольклор материаллари асосида яратилган энг сара асарлардан бирига айланди. Буни кўпгина тадқиқотчилар ва олимлар ҳам эътироф этишадилар.

XX аср ўзбек дostonчилигининг дурдона асрларидан бири бўлган “Зайнаб ва Омон” поэмаси Ҳ.Олимжон ижодига фольклорнинг кўрсатган таъсирини ўрганишда бир мунча кенг тасаввур беради. Маълумки, бу асарни ижодий яратиш нияти шоирда 1933-йилнинг 5-29-апрель кунлари Фаргона водийсининг Мулқобод, Кува, Қайнар, Полосон кишлоқларини кезиб, одамлар билан суҳбатлашиши жараёнида туғилган эди. Жумладан, шоир кундалигининг “29-апрель” варагида ўқиймиз: “29- апрель- Мен колхозда қайта туриб, далада туш пайти дам олиб, сояда

Ўтирган икки кишини кўрдим. Уларнинг бири ўрта ёшда бўлган эркак, бири ёшгини хотин эди. Эркак оддий иш кийимида, аёл катак-катак шоҳи кўйлак кийган эди. Мен шундан сўнг ёзажак нарсамга шундай бир картина киритиш фикримга келди. Унда, албатта яқин орада уйланган бир йигит ва турмушга чиққан қиз бўлади. Улар иккаласи ҳам ҳозир кўриб турганимдек колхозчи бўладилар. Мен уларнинг биргалашиб далага ишга чиқишлари, бирга экин экишлари, оилавий муносабатларида колхозлаштириш ҳаракатининг ифодасини кўрсатажакман. Мен унда уларнинг иккови ўртасидаги эр ва хотин муаммосини, авваги маънодаги хотиннинг йўқолиб, унинг ўрнига баб-баравар ҳуқуқли янги хотиннинг яратилиб келаётганини ва бу янги турмуш эски аввалги турмушнинг фожиаларидан озод эканини, эркин меҳнат асосидаги ўртоқлик турмушнинг нақадар кўнгилли, чиройли эканини ва бирга, жамоа меҳнат асосида паранжи, хотин-қиз қуллигининг йўқолиб бориш жараёнини кўрсатажакман”.

Шоирнинг ана шу ҳаётий таассуротлари беш йиллик ижодий изланишларидан сўнг 1938 йили дoston сифатидаги тугал бадий ифодасини топди.

Ҳ.Олимжон Зайнабу Омонлар билан бахтидан севиначар экан, уни халқ асрлар давомида қайғуга ботган Тохир ва Зухра, Ғариб ва Шохсанам, Вомиқ ва Узро, Ёзи билан Зеболарнинг фожиали севгисига қарама-қарши қўяди, шунинг учун ҳам муаллиф ўз асарини мамнуният билан “янги дoston” деб таъкидлайди.

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон

Севгисидан бир янги дoston.

Бир зўр оташ, бир зўр аланга

Икки қалбга туташгани рост.

Бир севгиким, жон берур танга.

Ҳам Зайнабу Омонларга хос (131-бет).

Фожиали ўтмиш ҳаёт билан “бахтга тўлган янги турмуш” контрасти дostonнинг композицион маркази сифатида намоён бўлади. бу зиддийлик асарнинг “Кириш” қисмидаёқ лирик чекиниш тарикасида зухур этилади:

Бу севгида йўл бошлар вафо,

Ҳам вафони емирмас жафо.

Бунда асло қора қунлар йўқдир,

Бунда мотамсаро қун йўқдир.

Ҳазон қилмас Зайнабни замон

Ва оташда ўртанмас Омон.

Туши эмас балки ўнгида

Дилдорин кўрар бегумон.

Бир қиссақим, бунинг сўнгида

Севишганлар топқусидир.

Жонлар танга ёпишгусидир (131-бет).

Демак, шоир руҳиятида кўзғалган бадий мушоҳадалар ассоциясида унинг “болалик қунларида, уйқусиз тунларида” эшитган фольклор асарларининг хиссаси ҳам катта, деб ўйлаймиз.

Хўш, севишганлар қисматининг қора бўлишига асосий сабаб нима?

Шоир бунинг илосий сабабини замон норасолигида, - деб биледи. Замон инсонни ҳақ-қуқуқларини топтар экан, ишқ элининг додига ҳеч бир кимса кулок етмайди, Шоир таъкидлайди:

Севги қалбнинг биринчи майли,  
Лекин замон асира Лайли.  
Ветнигини бутун курутган,  
Коси-коса огулар тутган.  
Мижнунини у ўтказган ёрсиз,  
Фирҳодни ҳам этган диёрсиз.  
Бунда одам ҳур бўлган кунлар.  
Эркисизликдан чиққан якунлар  
Оинада бўлган намоён,  
Жилва қилган севгисиз даврон (133-бет).

Зайнаб севган эл билан эса бахт ва севги ҳамдам. Бу эл “севгисиз давро”ни ўзгартирди, уни шахснинг эркин ва ҳуқуқини, шодлик ва муҳаббатини ҳимоя қилдиган янгича замонга айлантди.

Одам янги замонга етган,  
Ҳамон севги одамга йўлдош,  
Ҳамон севги қалбларга сирдош,  
Шудир баҳор, очилган лола .  
Шудир дилни қийнаган нола...  
Ва йигитнинг кўкрагини тоғ (133-бет).

Шоир янги замоннинг фаол қурувчиси бўлган Зайнаб характерини очиб беришда фольклор - этнография унсурларидан унумли ва моҳирона фойдаланади. Чунончи, “бешиккerti” удуми асар конфликтини келтириб чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

У Собирга фотиҳа бўлган,  
Васиятда уни ота зор  
Собиржонга бўлсин деб ўлган.  
Паймол қилиб бўлурми буни?  
Қайси номард истагай шуни? (149-бет).

Шунингдек, бешиккerti тарафдори бўлган Анор Зайнабни бунга кўндиришга ундар экан, мусулмон мифалогиясидаги Муҳаммад пайгамбар ҳақидаги ривоятлардан бирини эслаб ўтади ва шу билан инсон эркини паймол этувчи тақдир ажал ҳукмига бўйин эгишга даъват этади:

Қовушмоқлик кушларда ҳам бор,  
Ҳамма излар бир йўлдош дийдор.  
Бунга тўққиз ёшлик Ойша  
Муҳаммадга теккани асос.  
Бунга берар ўлим хотима,  
Бу пайгамбар қолдирган мерос... (145-бет).

Академик С.Мамажонов Зайнаб-Анор зиддияти ҳақида сўзлар экан, қуйидагиларни таъкидлайди: “Жанжалнинг ва мунозаранинг Анор-Хури ўртасида бошланади. Муҳаббатга Зайнаб кўзи билан қаровчи (халқ удуми бўйича Зайнаб ўз

севгисини опасига айтгани тортинади, уялади, шоир Ҳури образини атайин Зайнаб номидан гапиртириш учун киритган) Зайнаб-Омон мухаббатини химоя қилади, “қизнинг ҳам одам, унинг бир мол эмаслигини ” айтади.

Бизнинг назаримизда, устознинг бу фикрида ички (мантикий) қарама-қаршилиқ мавжуд. Негаки, “Ҳури образини атайин Зайнаб номидан гапиртириш учун киритган”лиги масаласи мантикий асосга эга эмаслиги сезилади. Ҳури образининг эстетик вазифаси ўзгалар номидан гапиртириш билан чекланмайди. Ҳури-янги замоннинг, янгича онгнинг Зайнаблар сафидаги курашчиси, фаол колхозчи. Тадқиқотчининг ўзи эътироф этганидек, “жанжалнинг ва мунозаранинг Анор-Ҳури ўртасида бошланиши” бежиз эмас, чунки Зайнаб билан Омонни Ҳури таништирган, уларнинг ўз бахтига етишувида астойдил хайрихоҳ, бинобарин, икки дилнинг пок севгисини паймол этмоқчи бўлган Анорга қарши ўз ирода йўналишидан келиб чиқиб мунозарага киришади.

Хуллас, “Зайнаб ва Омон” поэмаси қай бир аспектда олиб текширилмасин, тадқиқотчилар учун бой илмий озуқа берувчи асар ҳисобланади.

Айтиб ўтилган мулоҳазалардан шу нарса маълум бўладики, Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодиёти намуналарига замондошларининг эстетик талабларидан келиб чиқиб ёндошади, уларни реалистик тасвир қонуниятлари билан омукта қилиб кўзланган ғоявий-бадий мақсадига эриштиради. Ҳ.Ёқубов шоирнинг фольклорга муносабатидаги маҳоратини баҳолаб, шундай деган эди: “У фольклорда халқ руҳининг ифодаси, ҳаётни халқ тушунчасига мувофиқ равишда акс эттирувчи онг формаси, миллий маданият формаси деб қарайди”. Бу фикрларнинг нечоғли тўғри эканлигини юқорида таҳлил этилган асарлар тасдиқ этади.

#### 4. “МУҚАННА” ДРАМАСИ ҲАҚИҚАТ ВА РИВОЯТ ОРАЛИҒИДАГИ АСАР СИФАТИДА

Ҳ.Олимжон халқ оғзаки ижодиётининг бебаҳо намуналаридан саралаб олган бадий жамғармалари ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки драматик асарлари тўқимасига ҳам сингиб кетди. Бу ҳол иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек адабиётида фольклорга бўлган ялпи қизиқишнинг характерли намуналаридан бири сифатида изоҳланади. Чунончи, “Муқанна” драмасининг ғоявий-композицион негизи қуйидаги уч асосга: тарихий ҳақиқатга, бадий тўқимага ва халқнинг Муқанна ҳақидаги тўқиган ривоятларига бевосита таянилган.

Муқанна бошчилигидаги халқ кўзголончиларининг араб истилочиларига қарши олиб борган кураши билан боғлиқ тарихий маълумотлар Ҳ.Олимжон драмаси учун ўқпоя вазифасини ўтайди. Драматург “Ўз асарини ёзишдан аввал тарихий адабиётни синчковлик билан ўрганди. Унинг драма учун тўплаган материаллари орасида Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарининг таржимаси, Г.А.Иброҳимовнинг “Ислоннинг келиб чиқиши ва синфий моҳияти” китоби, “Қуръон”сураларининг русча таржималари, шунингдек, ўзбек халқининг келиб чиқиши, оловга сизиниш, буддизм ва ҳокозоларга оид конспектлар ҳам бор”.

Муқанна бошлаган исён миллий-озодлик ҳаракатигина бўлиб қолмай, балки чет эл экспанциясини барбод қилиб, марказлашган йирик давлатни вужудга

контрастига қаратилган илчил сиёсат ҳам эди. Ҳошим Ибн Ҳаким бунга эришиш учун биринчи имкониятларини ишга солган. Жумладан, юзига никоб тутиб олган, оқимини ўз ортидан эргаштириши мақсадида турли хил фокуслар кўрсатган ва ҳ.к. Бу қадам Наршахийнинг юқоридаги асариде маълумот берилади. Бироқ Наршахий Муқанна ҳақида қағда замондошларидан эшитган маълумотларни қайд этиш билан боғланган. Бинобарин, Наршахий тасвиридаги Муқанна исёнкор тарихий арбоб сифатли эмас, кўпроқ авантюрачи сохта пайғамбар тусини олган. Шунинг учун бунининг фикримизча, Наршахийнинг Муқанна ҳақидаги маълумотларини аниқ факт деб билишдан кўра муайян даражада халқ ижодиёти билан йўғрилган маълумотлар деб қараш тўғри бўлади.

Ҳамид Олимжон ибн Ҳаким шахсиятига диалектик нуқтаи назардан қарашлади. Унинг қаламида Муқанна тарихий ҳақиқат ва бадиият мезонларига мувофиқ тажассумини топади. Ёзувчи интеллектини образ эстетикасини белгилагани сингари, Ҳ.Олимжон ижодий фантазиясининг кенглиги, тарихий арбоблар ва ҳодисалар ҳақидаги тушунчаси драма муваффақиятини таъминлади.

Асар воқеаларини ҳаракатга келтирувчи образларнинг асосий қисми бевосита Ҳ.Олимжон фантазиясининг маҳсуллари дидир. Драматург Муқанна билан Саидбаттол, Жалойир ва Ибн Маоз каби ислом реакционлари ўртасидаги зиддиятларнинг бадиий ечимини кўп йиллик ижодий изланишлар натижасида ўйлаб топади. Бу-Саидбаттол-Гулойин-Муқанна учлиги эди. Шу триада билан боғлиқ муҳаббат мавзуи шоирга қалаванинг учи бўлиб хизмат қилади. Натижада, асарнинг хомаки бадиий қурилмаси ўзгариб, экспозиция Моварауннаҳр гўзали Гулойин оиласининг тасвири билан бошланади. Гулойин-оддий хунарманд Оташнинг кизи. Унинг фаолиятини кузатар эканмиз, Ҳ.Олимжон ислом дини қабул қилинганга қадар Ўрта Осиёда яшаган хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини нақадар тўғри тушунганига амин бўламиз. Маълумки, исломга қадар икки дарё оралигида яшовчи оташпараст элатларнинг кундалик турмушида хотин-қизларнинг мавқеи баланд эди. Гарчанд матриархат даврида шаклланган эркаклар устидан ҳукмронлик яққа (моногам) никоҳга ўтиш каби муҳим қадамлар туфайли аллақачон бой берилган бўлсада, оловни саклаш, уни муқаддаслаштирувчи маросимлар аёллар, асосан жамоа онабошилари томонидан уюштирилган. Хусусан, козок фольклоршуноси С.А.Каскабасовнинг ёзишича, “Ўтов” деган туркий сўзнинг этимологияси “Ўт –олув” деган иккита мустақил сўзнинг қўшилиши, яъни жамоа аъзолари сигинадиган муқаддас оловни ўчоқда ўчирмай ўтирадиган онабоши томонидан янги маконга кўчиб ўтаётган кишилар гуруҳига (ёш оила ёки оилаларга) оловнинг бир қисмини тантанали равишда тақдим этиши билан боғлиқ туркийча удум ҳисобланади.

Ҳ.Олимжон дostonда Гулойин образини тарихий ҳақиқатга мос равишда ҳурфикрли қиз сифатида типиклаштиради буни хўйидаги мисралардаги фикрлар тўлиқ тасдиқлайди:

На оташдан, на Мухаммад динидан

Фойда кўрган бир кимсани билмайман

Шунча йиллар оташгоҳга топиндим

Ва билмадим илоҳим ким, танграм ким

Қайгуси йўқ бирор кунни кўрмадим

Бирор соат мен бахтиёр бўлмадим.  
... Ихтиёрни берсанг агар менга сан,  
Озодликка топинардим ёлғиз ман.

“Озодликка топиниш” Гулойинга юрагидаги изтиробларни тинчлантирувчи машғулот, ҳақиқатга интилиш йўли бўлиб кўринади. Бирок унга муносиб маънавий йўлбошчи керак эди. Муаллиф мана шундай экспозиция орқали мантиқ ипини бош қахрамонга боғлайди. Гулойин ўзи орзу қилган йўлбошчи номини илк бор Гирдакнинг оғзидан эшитади:

Хошим ибн Ҳаким деган бир одам,  
Хўрланганлар унинг учун мухтарам.  
... Араб айтган пайғамбардан ҳам баланд  
У одаму, одамларга раҳнамо,  
Бошин силар қайда бўлса бенаво.  
Фақирпарвар йўлбошчи у, ва аммо  
Душман бўлса кўринмасин кўзига  
Уни кўрган душман келмас ўзига (19-бет).

Сайидбаттол томонидан хўрланган Гулойиннинг Муқанна билан топишиши ва араб босқинчиларига қарши оташин курашчилар сафидан ўрин олиши ва қахрамонона ҳалок бўлиши билан боғлиқ воқеалар Ҳ.Олимжон ижодий маҳоратининг кирраларини намоён қила олган.

Айтиб ўтилганидек, фольклор руҳи мазкур драма ғоявий-бадий бутунлигининг уч муҳим белгисидан биридир. Асарда халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан шоир асосан персонажлар нутқини далиллаш мақсадида фойдаланган. Драматург жумладан, Муқанна ҳақида бундан 12 аср муқаддам тўкилган, кейинчалик эса қисқа мазмунигина сакланиб қолган ривоятларни моҳирона қўллайди. Масалан қул Оташнинг тилидан Муқаннанинг ана шундай ривоятномус таърифи келтирилади:

Кўп гаплар бор, марвлик экан, ниқобдор,  
Очмас экан одамларга юзини,  
Сўйламокда ҳамма унинг сўзини,  
Худо ҳам ман менинг ўзим пайғамбар,  
Деяр эмиш сўзлаганда ҳар сафар (15-бет).

Драмада шоир мусурмон мифологиясига хос усуллардан ҳам унумли фойдаланилган. Бунда муаллиф бир томондан, персонажлар кифасини очишга уринса, иккинчи томондан, ислом ақидалари ҳақида сўз юритади. Гулойин ўзини иймон келтиришга мажбур қилаётган араб руҳонийси Жалойирга “Сени йўқдан яратган ким, айтиб бер?! Дунё ўзи пайдо бўлди қаёқдан?” – деган ҳақли саволни беради. Шунда Жалойир ота-боболари сизиниб келган оташпарастиликни ҳам инкор этганда хурфиқрли кизнинг энсасини қотирувчи афсонани сўзлайди:

Тингла мени иймон келтир, дунёни  
Оллоҳ роса олти кунда яратди.  
У олти кун бу жаҳоннинг олти минг  
Йиличадир, ҳар соати йилга тенг.  
Якшанба ва душанба кун даъфатан

У еришри бирно қилди йўқликдан.  
Ушун сўнгри танилаб буюк назарни  
Сенанба кун барно қилди тоғларни.  
Чориниба кун огочларга, сувларга  
Нашбат етди, жон кирғизди уларга.  
Пайиниба кун барпо қилди осмон,  
Арши-Аъло деган олий бир макон  
Сўнг жумага назарини қаратди,  
Ҳам ўша кун юлдузларни яратди.  
... Шанба кун олам топди бир якун  
Оллоҳ уни яратишни тугатди (29-30 бетлар).

Шоир Муқанна тилидан сўзлаб, бу афсона мазмунини пучга чиқаради. Шу боғида бирга халқ халоскорининг донишмандона қиёфасини гавдалантиради:

Бу кўзларни кўр айлаган ёлгон, дин-  
Олти кунда пайдо бўлди, офарин!  
Тушунмадим менга англлат улуғ зот,  
У қайси кун қулликни ижод?! (30-бет).

Ёхуд руҳоний Жалойир нутқида мусурмон мифологиясига хос бўлган, халқ орасида кенг тарқалган ва ҳозир ҳам сақланиб қолган бир мотив келтирилади. Бу нутқ халқни Муқанна ортидан эргашмасликка қаратилган:

Ахмоқ бўлманг ва ишонманг сира ҳам,  
Бу кофирдир, жойи унинг жаҳаннам  
Олов уни чодир каби ўрайди  
Азройиллар ундан ҳисоб сўрайди.  
Ўт ичида кичқирганда жон сарак,  
Тепасидан эриб турган маъдандек  
Қайноқ сувни пақир-пақир тўқарлар,  
Юзи куяр, кўзи куяр баданлар (35-бет).

Дарҳақиқат, бундай афсоналар ислом тарғиботчилари учун авом халқни зулм исканжасида тутиб туришнинг минг йиллар давомида синалган маънавий психологик курашига айланди.

Драмада Муқанна ҳақидаги ривоятлар ва “Қуръон”га кирган афсоналардан ташқари бир қатор мақоллар ҳам қўлланган. Уларнинг эстетик функцияси ҳам бевосита қахрамон нутқини индивидуаллаштиришга қаратилган. Бу мақоллар поэтик синтактик талаби билан стилистик жиҳатидан ўзгартирилган. Аммо унинг мантикий асоси, эмоционал-экспрессив жиҳатлари тўлиқ сақланган. Масалан, Гулойин отаси билан суҳбатда ёшлигидан оташга сиғинишни ўргатганлигини таъкидлар экан,

“Қанча баланд учса ҳамки чумчуқ, куш  
Уясида ўрганганни ўқирмиш”, - дейди (17-бет).

Баттол тилидан келтирилган қуйидаги мақол эса унинг хотин-қизларга паст назар билан қаровчи ортодоксал исломнинг ашаддий ҳимоячиси сифатидаги асл қиёфасини очиб беради:

Хотинларнинг сочи узун бўлади,  
Соци узун акли қиска бўлади.

Шу тушунча ҳоким бизнинг томондан,  
“Ноқусул ақл” деб ёзилган қуръонда (47-бет).

Гулойиннинг Муқанна олдида тиз чўкиб, тавба қилган Баттолни ўлдирмай тирик қолдириш тўғрисидаги таклифи кўзғолончилар ўртасида шубҳа ва норозилик уйғотади. Буни муаллиф зарафшонлик дехкон Ҳакимнинг тилидан лўнда қилиб ифодалайди:

Ит вафо-ю, хотин жафо деганлар (87-бет).

Драма воқеалари қулминациясида маккор Баттол билан тўқнаш келган Гулойин унга карата шундай дейди:

Қандай пайдо бўлдинг хоин кўзимга!

Қур асони йўқотади бир марта,

Ўлдирмасам чикмайман ҳеч аламдан (97-бет).

Ёхуд асар финалида қул оташ камалда қолган қуёви Муқаннанинг руҳини кўтариш мақсадида шундай насиҳат қилади:

Эсдан чиқиб кетар огир бу ахвол,

Бир мақол бор: яхши ният ярим мол.

Ойнинг беши ёруғ, беши қоронғу,

Халқдан қолган жуда эски ҳикмат бу.

Ноумид бўлмоқ ўғлим сенга нолойик.

Муқанна:

Ҳа ноумидни шайтон дейди халойик! (104-105 бетлар).

Бундай мақолларнинг хилма-хил намуналарини Гирдак ва бошқа кўзғолончилар нутқида ҳам кузатиш мумкин. Уларнинг барчаси персонажлар тилини индивидуаллаштириш орқали асар тилининг таъсирчан чиқиши учун хизмат қилган.

Маълум бўладики, “Муқанна” драмасида қўлланилган ривоя, афсона ва мақоллар Ҳ.Олимжон томонидан бадиийлик меъзонида қайта-қайта ўлчаниб, асар тўқимасининг исталган жойига тикиштирилавермасдан характерлар ва воқеалар мантиқи тақозо этган ўринлардагина киритилган. Бундай талабчанлик ва маҳорат намунасини қайта кузатиш учун шоирнинг “Жиноят” драмасидан ҳам истаганча мисол топиш мумкин. Аммо магистирлик диссертациянинг ҳажми бунга имкон бермаслиги сабабли биз юқорида айтиб ўтилганлар билан кифояланамиз.

## 5. ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА МУИОСАБАТ<sup>†</sup>

Тарих - инсонни шахс сифатида шакллантирувчи муҳим омиллардан бири. Тарихни ўрганган сари, кечмиш воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаган сари кишининг дунёга назари теранлашиб, атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига яқинлашиб боради. Табиийки, бундай одам кимнингдир етовида бўлиши мумкин эмас, чунки у ўз қарашига, ўзининг англаган ижтимоий мақоми ва мавқеига эга бўлади. Унинг жисми эркин бўлмаслиги мумкин, лекин руҳи ҳар вақт эркин бўлади. Шундан бўлса, эҳтимол, фотихларнинг деярли барчаси ўзлари забт этган юртларда халқ хотирасидан ўтмишни ўчиришга интилган. Бирок фотихлар бу

<sup>†</sup> Ушбу мақола профессор Д.Қуронов каламига тегишли – муаллифлар.

мақсади яна ҳам бирим юртларда анчайин осон эришган бўлсалар, бошқаларида ислоҳоти натижасига эришолмаганлар. Негаки, халқнинг тарихи нечоғли бой бўлса, унинг миллий хотирасидан ўчиши-да шунчалик қийин бўлади. Зеро, асрлар давомида «суяк суриб» авлоддан авлодга ўтиб келаётган бой тарихий хотира мудрани мумкин — мутлако ўчиб кетиши душвор.

Ўзини фотиҳ эмас, аксинча, «озод қилувчи» деган даъво билан чиққан Шўро ҳам сиёсатда фотиҳлардан гула кўтарган эди. Шўро ўтмишни қора рангда кўраётган, шу асосда ўз сиёсатини мутлақ тўғрилигига ишонтириш йўлидан борди ва 15 йиллар ичида бу мақсадига қисман эришди. Негаки, бу вақт мобайнида шўро широнтида тарбияланган, «шўрочасига» кўрадиган янги авлод етишди. Оталар ва бошлар орасидаги зиддият кучайди, энг ёмони, жамият тараккиётининг ҳосиласи ва риножланишнинг муҳим омилларидан бўлмиш мазкур табиий зиддият сифат жиқитидан ўзгариб, кўпроқ мафкуравий асосдаги зиддият мақомини ола бошлади. Янги авлод нигоҳини фақат келажакка қаратиш, ўтмишни тамомила нигилистик инкор қилдиришга интилиш шўронинг онгдаги бузгунчилиги эдики, бу — топиштар жамиятни барпо этишнинг зарур шарти. Зеро, «ердаги жаннат»ни қуриш ҳаёлига андармон «манкурт»лар жамиятидагина шахс тушунчасини емириш, барчани бирдек ўйлайдиган «винтча»ларга айлантириш мумкин бўлади. Онгдаги бузгунчилик натижаси ўлароқ, 20-30-йилларда ўзининг жамиятдаги ўрни ва мақомини белгилашга фаол киришган ёш бўғин башарият тарихини октябрь тўғғаришидан ҳисоблашга мойиллашган, Шўронинг ўз мудҳиш мақсадига етиши шикдайд бўлиб қолган эди... Шукрки, миллатимизнинг тарихи мингйилликлар билан ўлчанади, бой тарихий хотира мудрани - ўчиб кетмади, унинг уйғониши, ўзига келиши учун эса кичкина бир туртки кифоя...

Иккинчи жаҳон уруши даврида, фашистлар Германияси кизил империя остонасига келиб қолган паллада бу офатни миллионлаб жонларни қурбон қилишнинг ўзи билангина даф этиш душворлиги аён бўлиб қолди. Зеро, куллик асоратига тушиб қолмаслик, кулликдан ҳазар қила билиш учун жоннинг ўзи кифоя эмас, руҳ ҳам керак! Руҳки, ўзининг кимлигини билган, теран томирлардан озикланган ҳолда «олий ирк» даъвосига қарши тура оладиган руҳ керак эди. Дўппи тор келган айни шу паллада шўро ҳукумати адабиёт ва санъатнинг тарихга мурожаатига рағбат билдирди: шўро адабиёти ва санъатида ўнлаб тарихий асарлар дунёга келдики, улар халққа руҳий мадад бўлди, унинг ғалабага ишончини мустаҳкамлади, курашга руҳлантирди. Орадан маълум вақт ўтгач эса музаффар шўронинг адабий сиёсатига шошилиш тахрирлар киритилди: бу асарлар сассизгина эътибордан қолдирилди, сахналардан олинди, киноленталар архивларнинг узоқроқ тоқчаларига тикилди. Уларни имкон қадар эсламай қўйилди, эслаганда ҳам умумий санокда айтиб ўтиш билан чекланила бошланди... Қизик ҳолат, сирли ҳолат... Биз бу хил адабий сиёсатнинг моҳиятини англаш учун ўша даврда яратилган Ҳ.Олимжоннинг «Муқанна» драмасини кўздан кечиришни ният қилдик...

Кейинги йилларда Ҳ.Олимжон шахси, ижодий меросига муносабат бироз совиброк қолгани сир эмас. Сабаби, биз узоқ йиллар давомида Ҳ.Олимжон тимсолида шўро тузумининг маддоҳинигина кўриб ўргандик. Аниқроғи, бизга шундай уқдирилди: шоирнинг дилбар шеърларини бир ён қўйиб, айни шу қиёфани

гавдалантирадиган асарлари ўргатилди, зўр бериб ташвик қилинди. Ҳолбуки, Ҳ.Олимжон XX аср ўзбек миллий маданий заминиде етишган энг ёркин истеъдодлардан бири эди. Афсуски, бу истеъдод кўпроқ нокерак нарсаларга сарф бўлди... Начора, аслида бу ҳам шоирнинг қисмати: мурғак ёшиданок шўро таъсирида шаклланган, ўзига сингдиргани ёлгон ҳақиқатларга чин ҳақиқат дея юракдан ишонган ва ўсмирларга хос ўжар фидойилик билан даврнинг зиддиятли ғоявий курашлар майдонига кирган *фаол шахс* ҳаёти, ижоди, фаолияти тенденциоз бўлмаслиги маҳол эди. Зеро, истеъдоднинг чинакам санъат асарига дўниши учун ижодкор ҳаётни гўё «четдан» эстетик мушоҳада (эстетическое созерцание) қила олиши, бошқача айтсак, рухан «узлат» ҳолатида бўлиши даркор. Қайнок фаолият кишиси бўлмиш Ҳ.Олимжонда бундай имконият кам бўлган, натижада аксар асарлари шу хил ҳолат маҳсули эмас, кўпроқ ижтимоий фаолиятнинг инъикоси тарзида дунёга келган. Эҳтимол, не-не ақллари лойқалаган ғоявий курашлар суръатининг сусайишию ҳаётий тажрибанинг ортиши баробари улкан истеъдодини тўла намоён қилиш имконияти ҳам ортган бўлармиди, афсуски, тақдир Ҳ.Олимжонга бундай имконият қолдирмади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шўро замонида «бахт ва шодлик куйчиси» дея алқанган шоир кейинча «шўро замонида бахт ва шодлик куйчиси» бўлгани учун-да эътибордан қолди...

Йўқ, тақдирдан нолиб бўлмайди, унга тан бермоқдан ўзга чора йўқ. Сираси, тақдир Ҳ.Олимжонга қиска ижодий умри давомида бир бора рухан «узлат» ҳолатида бўлиш учун катта имконият яратди ҳам. Биз шоирнинг тарихга мурожаат этиб, «Муқанна»га қўл урганини назарда тутмоқдамиз. Албатта, бунга эътироз бўлиши мумкин: «Муқанна»нинг яратилишида ҳам «ижтимоий заказ» бор эди-ку?!» Ҳа, бироқ, бизнингча, «Муқанна»ни шоирнинг уруш давридаги бошқа асарлари сирасидагина кўриш хато бўлур эди. Зеро, асарга мавзунинг ўтмишдан олинганиёқ ижод жараёнига муайян ўзгаришлар киритади. **Биринчиси:** агар бунга қадар Ҳ.Олимжон ўзи ичида қайнаб ётгани ҳаёт ҳақида ундан узилолмаган ҳолда ёзган бўлса, «Муқанна»даги тасвир предмети — ўтмишдан автоматик тарзда узилган, яъни, ўтмиш унинг учун биринчи галда эстетик мушоҳада объекти. **Иккинчиси:** биз одатланган «тарихга мурожаат қилди» деган жумла аслида моҳиятга унчалик мос келмайди. Негаки, тарих жонсиз фактлар мажмуигина эмас. Шахс онги тарих билан тўқинганда ўша фактлар жонланади. Шуниси ҳам борки, бир томондан, фактлар шахс орқали, яъни, унинг кайфияти, ҳолати, қарашларига боғлиқ ва уларга мос ҳолда жонланади; иккинчи томондан, жонланган тарих шахснинг ҳолати, кайфияти, қарашларига зарур таҳрирлар киритади. Демак, шахснинг тарихга «мурожаат»и моҳиятан иккиёклама жараён — мулоқот экан. Шахс онгида жонланган фактлар фаоллашгач, унинг ўзини руҳий фаолликка — ўхшашлик асосида (метафорик тарзда) замонасини мушоҳада қилишга ундайди, ўз даврини теранроқ англашига асос бўлади. Бизнингча, «Муқанна»ни ёзиш давомида Ҳ.Олимжон руҳиятида ҳам худди шундай жараён кечганки, эндиги муддаомиз буни имконимиз доирасида асослаш бўлади.

Маълумки, драматик асарда муаллиф шахси билвосита намоён бўлади — персонажларга, драматик ҳолатларга сингдириб юборилади. Шу жиҳатдан қаралса, «Муқанна»да, айниқса унинг дастлабки сахналарида муаллиф шахси, фикримизча, Гулойин образида ўз аксини топади. Асарнинг илк кўринишида Гулойин ҳақида

Нега онашнинг кичкигина гил алмашишидан унинг баҳорни, гулларни, умуман, гулоинини ёнғунчи ҳиссас қилб эгаси эканлиги англашилади. Гулойин саҳнада илк бор «сизнинг дони айлангач», энди «гулга ботиб келаётган» ҳолда пайдо бўлади. Шунан Гулобод пидида қизи — бахтиёр, хушвақт; негаки, гўзалликка ошуфта бўлиши учун бонқоча бўлиши ҳам мумкин эмасдек. Бироқ она бола орасидаги аналог бу тасаввурни йукка чиқаради:

*Гулобод*

Ёлғизим,

Лола каби очилибсан ўзинг ҳам.

*Гулойин*

Лола каби юзим қизил, ичим ғам.

Шу ўринда иккита муҳим нуқтага эътиборни тортгимиз келади: биринчиси — Гулойин ўзи истаган нарсага эришгандек-у, ундан қоникмайди, кўнгли таскин топган эмас; иккинчиси — атрофидагилар, ҳатто тукқан онаси унинг ичидагидан беҳаббар, уни бахтли деб тасаввур этишади. Она қизини бахтиёр кўришни, лоқал шундай инончида қолишни истайди, ўзини ҳам қизини шунга ишонтиргиси келади:

*Гулобод*

Нега даркор, кизим, ахир шу гаплар,  
Хурсандсан-ку, қўлларингда чечаклар.

*Гулойин*

Чечак билан хурсанд бўлса гар одам,  
Ер юзида бўлмас эди қайғу-ғам.

Ҳамма унда ёлғиз бир гул терарди,  
На хоҳиши, на озори, на дарди...

Сиртдан караганда бахтли кўринган Гулойиннинг ичи тўла ғам, кўнглида «хоҳиш, озор, дард» борлиги бежиз эмас. Бу, бизнингча, «шодлик ва бахт куйчиси» сифатида танилган Ҳ.Олимжоннинг, тарих билан тўқинганида у орқали замонасини ва замонадаги ўзини «четдан» мушоҳада қилаётган шоирнинг «Муқанна»ни яратиш жараёнидаги ҳолати. Айтмоқчимизки, «Муқанна»га қадар кечган ҳаёти, ўзи шоҳиди ёки иштирокчиси бўлган воқеаларни тарих кўзгусига солиб кўраётган, унинг тош-тарозусида тортиб кўраётган ижодкор ҳолати, руҳияти Гулойинда ифода топгандек кўринади. Шу эҳтимолни назарга олайлик-да, асарнинг кейинги сатрларини ўзгачароқ, яъни, шунга мувофиқ тарзда талқин қилиб кўрайлик. Гулойин юқоридаги фикрини давом эттириб айтади:

Мана баҳор, бутун атроф лола, гул,  
Ҳамма одам терганда ҳам ётар мўл.  
Гул очилган қояларнинг бошида,  
Лолалар бор булоқларнинг тошида.  
Аммо ҳеч ким шоду хуррам эмас-ку?

(Лолани кўрсатиб)

Бахтиёрлик аломати эмас бу,  
Баҳор ўзи яхши нарса шубҳасиз...

*Оташ*

Ичинг тўла маъно сенинг доно киз.

Келтирилган парчада ҳам диққатга молик иккита нукта мавжуд: бири муаллиф ремаркаси бўлса, иккинчиси Оташнинг репликаси. Бизнингча, бу ўринда ҳар иккиси ҳам муаллиф кўзлаган тублик маънога ишора сифатида муҳим. Энди шу ишораларга таяниб, парчани қайта бошдан кўриб чиқайлик. Фикримизча, парчада тублик маънони тутиб турган куйидаги таянч нукталар мавжуд:

Мана баҳор...

... ҳеч ким шоду хуррам эмас...

Баҳор ўзи яхши нарса шубҳасиз...

Парчани 20-30-йиллар адабиёти контекстида олиб қарайлик. Хусусан, Чулпоннинг «Баҳорни соғиндим» шеърида «ижтимоий баҳор» соғинчи ифодаланган эдики, ундан кейинги авлод вакили бўлмиш Ҳ.Олимжон «ижтимоий баҳор»ни ўзгача тушунгани шубҳасиз. Энди айтиш мумкин, одам теранрок мушоҳада қилади-да: «Мана баҳор...(биз ўзимиз орзулаган нарсага эришдик -Д.Қ.) аммо ҳеч ким шоду хуррам эмас», нега шундай, дея ўйга толади. Йўқ, ҳали у тузумни, социалистик гоёни инкор этаётганича йўқ: «Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...» дея ишонади, факат унинг мавжуд амалиётидан қоникмайди. Нега? Буни тушунишга муаллиф ремаркаси ёрдам беради:

(Лолани кўрсатиб)

Бахтиёрлик аломати эмас бу

Баҳор ўзи яхши нарса, шубҳасиз...

Кўрамизки, парчадаги сатрлар ўзаро зидлик ҳосил қилади: «баҳор ўзи яхши нарса», лекин «лола бахтиёрлик аломати эмас». Парча сўнгидаги кўпнукта ҳам, Оташнинг қизига қарата «ичинг тўла маъно сенинг» дегани ҳам сатрлар орасидан ўқиш лозимлигига ишора қилади. Ўқишга уриниб кўрамиз: бу ўринда «лола» — рамз, жамиятни, жамият аъзолари онгини чуллаган қизиллик рамзи. Биргина лоланинг ўзи баҳор бўлмаганидек, «қизиллик»нинг ўзи Ҳ.Олимжон орзулаган нарса эмас. Яъни, Гулойиннинг айтиши пайтдаги ҳолатида социалистик инқилоб гоёсига юракдан ишонган, эндиликда унинг натижаларидан қоникмай турган муаллиф руҳияти суратланади.

Эътиборли жиҳати шуки, Гулойин руҳиятини чуллаган мавжуд ҳолатдан қоникмаслик туйғуси унинг юрт ўтмиши ҳақидаги ўйловлари ҳосиласидир:

Юртимизда ҳатто яқин замонда

Кўп байрамлар бўлар экан баҳорда.

Жуда хуррам ўтар экан у дамлар.

Ўйнар экан, кулар экан одамлар.

Қани ўша байрамлардан бир нишон?

Кўриб турганимиздек, Гулойиннинг ўтмиш ҳақидаги ўйлари уни беихтиёр замонасига қайтаради, — қиёслашга, фикрлашга ундайди; иккинчи томондан, қизнинг гапларида барқ уриб турган ўтмиш соғинчи замонасидан қоникмаслик натижасидирки, бу туйғу ўтмишнинг қиз тасаввурида айтиш мумкин, шу тарзда (идиллически) «жонланиши»ни таъминлайди. Сираси, бу умуман инсон руҳияти, тафаккур тарзига хос ҳодисадир. Зеро, инсон ўтмиш ҳақида «шунчаки», абстракт фикрлай олмайди: у ўтмишни замонга орқали кўради, замонани ўтмишга орқали баҳолайди.

Ушнинг бошлари инсонни фаолликка, биринчи галда, рухий фаолликка  
қўяди. Гулоийин айни дамда рухий фаолликда яшаётган шахс, шу боис ҳам у:  
«Талавларни дола териб юраркан, Кўп ажойиб фикрларга тушдим ман», - дея  
астрофиди. Ушнинг аклий-рухий фаоллиги муайян хулосаларга олиб келганки,  
навоийи:

Ушнинг айтган эртақларни эсладим

(Пауза)

Эртақ бошқа, ҳаёт бошқа... колдим жим, -

деган, бисиннича, келтирилган парча Гулоийин билан «Болалик кунларимда,  
Ушнинг тунларимда, Кўп эртақ эшитгандим, Сўйлаб берарди бувим» деган  
мансур сирлар муаллифи Ҳ.Олимжон орасидаги рухий яқинликни очикрок  
навоийи элади. Усмир ёшидаёқ кураш майдонига кирган Ҳ.Олимжон «романтик»  
эки, зеро, у бувиси айтган эртақлар оламидан «большевистик эртақлар» оламга  
бўчиб улгурганди, холос. Энди, — маълум вақт ҳаёт қозонида қайнаб, замонасини  
ва Ушнинг четдан мушоҳада қилиш имконига эга бўлгач, — амин бўлаётирки, «эртақ  
бошқа, ҳаёт бошқа» экан. Бу атрофида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисалар  
бисинникларнинг ваъдаю даъволарига мувофик келмаётганини, тил бошқаю дил  
бошқалигини кўрган, англаган одам хулосаси, ҳукмидир. Модомики «Муканна»ни  
Ушнинг жараёнида муаллиф шундай рухий ҳолатда экан, асар персонажларининг ўз  
имомаси ҳақидаги фикрларини айни чокда Ҳ.Олимжоннинг ўз даври ҳақидаги  
фикрлари деб тушунишга ҳақлидекмиз. Зеро, персонажларнинг тарихий нуқтаи  
назардан асарда тасвирланган даврга тааллуқли гаплари метафорик тарзда асар  
ёзилган даврга тааллуқли бўла олади, бунга адабиёт тарихидан кўллаб мисоллар  
келтириш мумкин. Ўзимизни шунга ишонтирган ҳолда асарни ўқишда давом  
қиламиз:

*Гулоийин*

...Ҳозир агар сен бўлмасанг мусулмон

Душман бермас ёмоқ учун парча нон.

*(Гулларни кўрсатиб)*

Бу кўрганинг лола эмас, ёлғиз кул.

*Оташ*

Биз кул эдик, ҳозир бутун ўлка кул

Ҳозир гап шул: ким мусулмон, ким кофир.

Ўйлаймизки, асар персонажларининг юртдаги мавжуд аҳвол ҳақидаги  
фикрлари муаллиф мансуб воқеликка нечоғли мослигини илғаб олиш қийин эмас.  
Аввало, араб фотиҳлари сингари большевиклар ҳам юртга янги мафкура олиб  
келдилар, барчани унга топинтиришга интилдилар ва ички сиёсатда «ё биз билан, ё  
бизга душман» ақидасига таяндилар. Шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ қок бўлинган  
юртнинг большевиклар томонида турган, шу сиёсат тегирмонига сув бўлиб  
қуйилган «Ўлим ёвга» сингари шеърый айбномалар ёзган Ҳ.Олимжон энди ўша  
сиёсатни ҳам, ундаги ўз иштирокини ҳам ўзгача тушунади, ўзгача баҳолайди. Хўш,  
қандай тушунадию қандай баҳолайди? Бизнингча, муаллифнинг тубдан ўзгарган  
қирашлари Оташнинг «Биз кул эдик, энди бутун ўлка кул» деган гапида ўз  
ифодасини топади. Маълумки, большевиклар «эзилувчиларни озод қилиш» даъвоси  
билан майдонга чиқди, эзилганларни гўё озод қилди-ю, бутун ўлкани «қизил

империя» мустамлакаси — кулига айлантирди. Хаётий тажрибаси ортган, бу тажрибасини ўтмиш тажрибаси билан бойитган Ҳ.Олимжон ўзи учун муҳим бир ҳақиқатни кашф этди: *озод бўлмаган юртда шахс озод бўлолмайди, шахс озод бўлмаган юрт озод бўлолмайди*. Шу маънода Гулойиннинг: «(Гулларни кўрсатиб) Бу кўрганинг лола эмас, ёлғиз кул» дейиши ҳам бежиз эмас. Юқоридаги парчага диққат қилинса, Гулойиннинг охириги гапи олдингиларига унчалик боғлиқ эмасдек кўринади. Боз устига, сиртдан қараганда гапнинг ички мантикий-мазмуний боғланиши ҳам дуруст эмас: «лола — кул». Шундай эса-да, муаллиф уни ремарка ёрдамида алоҳида ажратади, таъкидлайди ғўё. Шунини эътиборга олсак, «лола»нинг бу ўринда ҳам рамзий маънода қўллангани ва шу маъно муаллиф учун муҳимроқ эканлиги ҳақиқатга яқинроқ. Бизнингча, рамзни драматик ҳолатнинг умумий руҳида тушунсак, ҳатто шўро томонида турганлар («лолалар» — «қизиллар») ҳам моҳиятан қулдир, деган маъно англашилади. Гулойиннинг даври ҳақидаги изтироб тўла мулоҳазаларини яқунловчи тубандаги сўзлари ҳам шу фикрни кучлаб тушади:

Эркак-аёл ўз юртида мусофир.

Мана сенга керак бўлса гулбахор,

Баҳор эмас, устимизга ёғар қор.

Гулойин тилидан юртида мусофир мақомида яшаётган, юртига эгалик ҳуқуқидан тамомила маҳрум одамларни кул деб атаркан, муаллиф ўзини, замондошларини ҳам назарда тутди. Тан олиш керакки, замонаси ва замонасидаги ўзини идрок қилишга интилаётган Ҳ.Олимжон баҳода охиригача холис бўлишга, ўйидагиларни тўла иқроқ қилишга ўзида журъат топади. Шу боис ҳам шўронинг энг оташин шеърини тарғиботчиларидан бўлмиш Ҳ.Олимжон ўзи ёниб қуйлаган «баҳор» аслида баҳор эмаслигини тан олади, модомики «устимизга қор ёғар»кан — киш давом этаётир, дея огоҳлантирмоқчидай бўлади. Булардан кўринадикки, у шўро сиёсатининг мунофиқона табиатини ҳам, «эзилувчиларни озод қилиш» ғоясидаги мантикий заифликни ҳам чуқур англаб етади, буни ўқувчисига етказишга интилади.

Гулойин — аввалги эътиқодидан кўнгли тамомила совиган, изланишдаги шахс ва шу жиҳати билан муаллиф руҳиятига яқин. Қиз эътироф этадики: «Оташ десанг кўнглим тушар бир ғашга». Ўзи топинган эътиқодни тафтиш этиб қоникмаган қизнинг бу иқроқидида муаллиф руҳияти ўзининг ёрки ифодасини топади. Табиийки, кишининг эътиқодидан кечиши муайян руҳий изтироблар билан эш бўлади, зеро, эътиқод шиппак эмаски, эскисини ташлаб янгисини кийиб кетаверсанг. Эътиқодида алданган шахс қаршисида «нега мен бу эътиқодни қабул қилдим у энди ундан кечаётирман? нега унга шунчалар ишонгандим? шунча вақт унга топиниб келдим?» қабалидаги ўртовчи саволлар кўндаланг бўлиши тайин. Шу сингари саволлар Ҳ.Олимжонни ҳам ўртаган бўлиши, уларга жавоб излаши табиий эди. Муаллифнинг айна шу изланишлари натижаси, бизнингча, тубандаги парчада акс этади:

*Оташ*

Биз ҳали ҳам топинамиз оташга.

Сен-чи, кизим?

*Гулойин*

Нима қила олар эдим мен ўзим?

Канча билиш учса ҳамки чумчук куш  
Ушунда ўрганишни ўқирмиш.  
Бил чоғимдин ўтга томон сен тортдинг,  
Сен отанга тоғинмокни ўргатдинг.  
Нима киши, Мен нимани билардим?  
Бил болани йўлга бошлар аввал ким?  
Отанни. Шундаймасми? Узинг айт!

Оташ

Биллик ўзи бўлар экан қизик пайт,  
Бана ёлғиз ўрганишни биларкан.

Ҳа, Ҳ.Олимжон — улкан истеъдод соҳиби, парвози нечоғли баланд бўлмасин, муассоси «ўрганишни ўқиди». Сираси, болалик чоғларидан шўро таъсирида, шўро эътиқоти ва гоёвий курашлар майдонида шаклланган шоирда ўзгача эътиқод бўлиши ҳам мумкин эди. Энди, — ортига ўгирилиб, кечаги кунларини обдон мулоҳаза қилган, — муаллиф Оташнинг «бола ёлғиз ўрганишни биларкан» деган гаплари орқали ўзининг эътиқоди англамаган, кўр-кўрона, оддийгина таклиддан иборат бўлишини эътироф этади. Гулояннинг «Шунча йиллар оташгоҳга топиндим, ва билмадим илоҳим ким, тангрим ким?» деган гапида эса бу эътироф янада каттироқ, очиқроқ ифода этилади. Гулоян, муаллиф сингари, айрилишда турган, сингли равишда ўз йўлини танлаш эҳтиёжини туйган одам. Мавжуд йўллардан бигисигина кизнинг кўнглига яқин, эрка ташна қалб шунгагина мойил:

Ихтиёрни берсанг агар менга сан,  
Озодликка топинардим ёлғиз ман.

Гулояннинг бу хитобида эрксизликдан зада бўлган, юрти ва ўзининг қуллигини татом англаган муаллифнинг қалб исёни зухур қилади. Холислик ҳақки тан олиш керакки, йигит ёшидаёқ (асар 1942-43 йилларда ёзилган) ўз руҳиятида, дунёқарашида бу қадар кескин бурилиш ясаш учун теран ақл-идрокнинг ўзи камлик қилади — улкан жасорат ҳам керак. Ҳ.Олимжон ўзида шундай жасорат топа билди: ўзини алдаб овутиш ва хотиржам яшаш йўлини эмас, ўзини бешафқат тафтиш этиш орқали ҳақиқатга яқинлашиш йўлини танлади. Бу эса унинг чинакам истеъдод, — қолипларга сиғмайдиган истеъдод эгаси эканлигидан, том маънодаги САНЪАТКОР ва ШАҲС эканлигидан далолатдир. Гоҳо ўйлаб қолсан киши: *агар* шу сатрлар муаллифи бир йил кейин фоже ўлим топмаганида қатағоннинг кейинги тўлкинидан омон қолармиди?! Дарвоқе, ўтмиш ҳақида шарт майлида фикрлаш нораво... — уни бор ҳолича қабул қилган тўғрроқ.

«Муқанна»нинг бадиий воқелиги, унда гавдаланувчи ҳаётий ҳолатлар кўпинча асар яратилган давр воқелигини ёдга солади. Бу бежиз эмас, албатта. Юқорида айтдики, тарихий мавзуга қўл урган ижодкор *замонасини ўтмиш орқали идрок этади*. Бироқ — бу танганинг бир томони, холос; иккинчи томони шуки, *ижодкор ўтмишни замонаси орқали идрок этади, ўтмиш замона призмаси орқали гавдаланади*. Модомики бадиий образнинг материали реаллик ва ижодкор шахсияти экан, бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бундан ўзгача йўл, айтайлик, — *тайёр гоёвий қолиплар асосидаги талқин ижод эмас*. Демак, чинакам ижодий-руҳий жараён маҳсули бўлмиш тарихий мавзудаги асарда образнинг метафориклик хусусияти юксак даражада намоён бўлиши қонуният мақомидадир.

Зеро, бу нарса аввалбошдан, яъни, ижодий ниятдаёк таъмин этилган бўлади. Табиийки, замона призмаси орқали гавдаланган ўтмиш асарни ўқиш(томоша қилиш) жараёнида ўқувчи(томошабин)ни яна замонасига қайтаради: ўқувчи (томошабин) онгида «ўтмиш —ҳозир» параллели мунтазам мавжуд бўлади. Демак, тарихий асар воқелигининг асар ёзилган давр воқелигини ёдга солиб туриши ҳам қонуният мақомидаги ҳодиса экан.

Шу жиҳатдан қарасак, Оташ араб фотихларининг юртга кириб келиши ҳақида айтган гаплар:

Бу ерларга улар янги келганда,  
Зўр қаршилиқ кўрган экан Пайкандда.  
Босқинчига қарши чиқиб бутун халқ,  
Барчасини қилган экан қонга ғарқ.  
Минган оти тизза бўйи қон кечиб,  
Сўнг Қутайба келган экан қон ичиб.  
Саройларни оловларга у тутган,  
Қилич тутган ҳар бир жонни қуритган... —

Ўша давр ўқувчиси(томошабини) тасаввурида ўзига яқин ўтмишни, Россиянинг Туркистонни забт этиш тарихини жонлантириши табиий кўринади. Зеро, қадим ўтмишдагига монанд, муаллиф ва ўқувчига яқин ўтмишда ҳам юртимиз иккита қонли босқин кўрган: чор ва шўро босқинини. Боз устига, буларнинг биринчисини давр ўқувчиларининг ёши улуғлари болалиқ хотираларида сақлаган, ёшроқлари эса улардан эшитиб билган; шўро босқини, хусусан, Куйбишев ва Фрунзенинг қонли ҳатти-ҳаракатлари етказган жароҳатлардан эса ҳали қон силқиб турган пайт эди унда.

Болалиқ хотираларида Жиззах кўзғолони ва унинг даҳшатли оқибатлари муҳрланган Ҳ.Олимжон йигит ёшида «қулоқлаштириш» сиёсати, мудҳиш 30-йиллар катағонини кўрганида бу ҳодисалар орасида мантикий алоқа борлигини ҳис этади. Тарихни мушоҳада қилиб, унинг тажрибаларини ўзлаштиргач эса кўрқув ва кўрқитишга таянган шўро сиёсати моҳият эътибори билан мустамлакачилик сиёсати эканлигига имон келтиради. Шу боис ҳам, бизнингча, «Муқанна»да персонажлар араб фотихлари юритаётган сиёсатни муҳокама этувчи саҳналар яратилган. Бу, бир томондан, муаллиф ўз замонаси ҳақида юритаётган мушоҳадаларнинг метафорик ифодаси бўлса, иккинчи томондан, ўқувчининг замонаси ҳақида ўхшашлик асосида фикрлашига тurtкидир. Масалан, халифалиқдан келган Пайкандни ер билан яқсон қилиш ҳақидаги фармоннинг мақсад-моҳиятини қизи Гулойинга тушунтираркан, Оташ айтади:

Сен билмайсан, бунда катта ҳикмат бор.  
Халқ янгидан кўзғалмоқда. Душманлар  
Кўрсатмоқчи шунинг учун бир ҳунар:  
Одамларнинг юрагини олмоқчи,  
Бўғизларга яна чангал солмоқчи...

Табиийки, юртимиздаги истиклолчилик ҳаракати, Туркистон мухториятининг қонга ботирилгани, истиклол курашчиларининг бадном этилганию 30-йиллар адоғига етмасданок битта-битта «териб ташлангани»дан хабардор давр китобхони Оташнинг гапларини фақат араб фотихларигагина тегишли деб билмайди. Боз

ратига, шўро «чўнчак»ларига инониб яшаётган ёш бўгин вакилларининг ҳам кўз  
боянларида гавдаланган ўтмиш таъсирида Гулойин мисоли «эртак бошқа — ҳаёт  
бошқа» киблидаги хулосага келиб қолишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ёки,  
шўро Унинг мудхиш сиёсати билан «одамларнинг юрагини олиб» бўлган,  
«бўгинларига чангал солиб» турган бир пайтда:

Ёр юзидан бир шаҳарни йўкотмок  
Билан улар халқнинг кўзин кўрkitмок  
Фикридалар. Мудхиш бир иш. Ҳам исён  
Кўзгалмасмиш шундай килса бегумон...-

олган сатрлар кўрқув салтанати фуқароларига араб фотиҳлари юритган сиёсат  
билан шўро сиёсати моҳиятан бир нарса эканлигини англамаслиги мумкинми?!  
Бизнингча, йўк. Зеро, асарни ўқиш(томоша қилиш) давомида хоҳ онгли ва хоҳ  
онглинмаган тарзда шу хил фикр туғилиши ҳақиқатга яқинроқ. Албатта,  
онглинмаган тарзда деганимиз шўро таъсирида шаклланган, уни башарият  
тарихидаги энг адолатли тузум дея инониб яшаётган авлодга мансуб  
ўқувчи(томошабин)га тааллуқли. Эртами-кеч унинг-да ҳаётий тажрибаси ортиб,  
воқеликни ўзгача мушоҳада қила бошлар — бунда «Муқанна»нинг ҳиссаси,  
шубҳасиз, бўлади. Шу ўринда Чўлпон «Кеча ва кундуз»га эпитаф қилиб олган  
М.Горький сўзларини эслатгим келади: «Маърифат чоғиштириб кўриш билан  
ҳосил бўлади, бизнинг *ёшлар* эса ўз кўрганларини ҳеч нима билан  
чоғиштиролмайдилар, улар *кечмишни билмайдилар ва шунинг учун ҳозирги  
замоннинг нималигини етарли даражада очик англаёлмайдилар*». Ўйлашимизча,  
«Муқанна»га қўл урган Ҳ.Олимжоннинг ижодий нияти романга қўл урган Чўлпон  
ижодий ниятига монанд эди. Яъни, ўзи кечмишни билиш орқали замонаси  
моҳиятини «етарли даражада очик англаган» Ҳ.Олимжон ўтмишни гавдалантириш  
воситасида ўқувчига (хусусан, ёшларга) «чоғиштириш орқали маърифат ҳосил  
қилиш», «ҳозирги замоннинг нималигини» англаш имконини яратади.

«Муқанна»нинг иккинчи кўриниши бугунги ўқувчига бирмунча эриш  
туюлса, ундан дахрийлик нафасини сезиб ўнғайсизланса, эҳтимол. Бироқ биз  
масаланинг бу жиҳатини бир ён қўйиб, ундаги саҳналарга бадий образ —  
муаллифнинг воқеликни англаш ва англашиш воситаси сифатидагина  
қарамоқчимиз. Маҳаллий зодагон Ферўз томонидан қурдирилган масжиднинг  
очилиш маросимида араб руҳонийси Жалойир Оташнинг оиласини, хусусан,  
Гулойинни исломга даъват қилади. Гулойин ўзидан нимага эътиқод қилиш талаб  
этилаётганини билгиси, англагиси келади. Бунга жавобан Жалойир «Қуръон сўзин  
туркча айтиш мумкинмас» дея эътироз қилганида, Гулойин айтадики:

Эса бизни қийнамоқни қилғил бас.  
Тушунмаган йўлга бизни бошлайсан,  
Жабрлайсан, бағримизни ёшлайсан.  
Қийнаш нега одамларнинг виждонин?  
Дарё-дарё тўкиш нечун эл қонин?..

Бу — ўз руҳиятига ёт, ўзи кўп-да тушунмаган шўро мафқурасини зуғум  
остинда қабул қилаётган, бу йўлда неча минглаб қурбонлар берган халқ вакили,  
фақат бир тарзда ўйлашга мажбурлигидан «виждони қийналаётган» муаллиф  
хитобидир аслида... Ноилож қолган Жалойир Қуръон сўзларини туркча айтиб

тушунтиргач, Гулойинда бир кадар иккиланиш кўрилади: «Қайга борай, рахбар қилай мен кимни?» Қиз «Нима қилай?» дея ота-онасига мурожаат қилганида Оташнинг берган жавоби диққатга молик:

Имон келтир, ўз виждонинг бўлсин соф,  
Хурсанд бўлсин шу Жалойир ноинсоф.  
Имон келтир, эҳтиёт бўл, сен шошма,  
Ўзинг севган ҳурриятдан адашма.

Кўрамизки, Оташ ҳамон ўз эътиқоидида собит, фақат Жалойирдан кутулиш учунгина кизини имон келтиришга ундаркан, ўзи севган ҳурриятдан адашмаслигини сўрайди. Бироқ ташвиқотнинг гипнотик таъсиридаги Гулойинда иккиланиш шу даражадаки, у энди имон келтириш арафасида... Албатта, Жалойирнинг кўпроқ Гулойинни ташвиқ этиши бежиз эмас: ҳар қандай мафкура, аввало, ёшлар онгию қалбини эгаллашга интилади, бу — унинг учун яшаб қолиш, яшовчан бўлиш шартидир. Айни пайтда, шу нуктада Жалойир мустамлакачилик сиёсатининг асоси бўлмиш «бўлиб ташла-да ҳукмронлик қил» акидасича иш тутаётгани, авлодларни мафкуравий асосда бир-биридан ажратаётгани ҳам равшан. Табиийки, Ҳ.Олимжон бу сахнани яратишда ҳам ўзининг ҳаётий тажрибасига таянган, ўз даври воқелигидан андоза олган. Зеро, миллатни «эзувчи ва эзилувчи»ларга ажратиш ҳисобига ҳокимиятни қўлга олган шўро бу даврга келиб жамиятни «бизники - бизники эмас» тарзидаги тоифаларга ажратди, гўё халқнинг истикболдаги саодати дея «ёт унсур»ларни киргинбарот қилди — ҳақиқатда эса ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилди ва бунга эришди. Иш шу даражага етдики, ота билан бола, ака билан ука, эр билан хотин бошқа-бошқа жабҳаларда туриб қолди. Оталаридан тонганини митингларда баралла эълон қилган фарзандларни, бир-бирини душман тутган жигарларни, ғоявий асосдагина барбод бўлган гулдек оилаларни кўрган Ҳ.Олимжон бу аянч ҳодисанинг илдиизига назар солади, унда мустамлакачилик сиёсатининг машъум мақсадлари ётганига амин бўлади...

Шўро мафкурасининг омма онгига сингиши — анланганликдан эмас, кўпроқ уни ташувчиларнинг мутаассибларча эътиқоди, шу эътиқодини ўзгаларга юқтира олганларида бўлса, эҳтимол. Сираси, шўро адабиёти ўзи дуруст англаб етмаган эътиқодни беадад ишончи билангина ташвиқ этолган «фанат»ларнинг кўплаб тимсолларини яратган: Фурмановнинг Чапаеви, Шолоховнинг Давидови ва уларнинг ўзбек, қирғиз, қозоқ... эгизлари. Жалойир тимсолида ҳам шу нав ташвиқотчини кўрамиз. Гулойиндаги иккиланишни сезган Жалойир ташвиқни янада кучайтиради: аллоҳ оламини олти кунда яратганини ёниб баён қилади, араблар унга жўр бўлиб қувватлаб туришади. Табиийки, Жалойирдаги беадад ишонч ўз ишини қилади, Гулойин руҳан синиш даражасига етади: «Нима қилдим, энди бошим ҳам қотди?» Ва айни шу дамда сахнага Муқанна чиқади, унинг:

Тушунмадим, менга англаб улуғ зот,  
У қайси кун қулликни қилди ижод?-

деган савол билан яқунланувчи ўтли хитоби янграйди. Жалойир — жўнгина мутаассиб, унинг наздида фақат битта ҳақ ва тўқис ғоя мавжуд. Бундай одам мафкуравий баҳс юритишга қодир эмас, шу боис ҳам у Муқанна билан баҳслашмайди, овозини ўчиришга ҳаракат қилади, холос. Бизнингча, мазкур эпизод ортига ҳам замона соя ташлаб турганини сезиб олиш қийин эмас. Зеро, Муқанна

«У кайси кун куллини қилди ижод?» дея қалбида исён кўтариши, ўқувчисини-да шунга интилиши табиий. Муқаннинг Жалойирга айтган мустамлака саволига шубнома сифатида янғровчи қуйидаги сўзлари ҳам, бизнингча, бу фаннингнинг, қувватлайди:

Юз йилларким сўзлайсан лоиллоҳдан.

Жуда оддий бир нарсага ҳайронман:

Нима учун юрт чикмайди оловдан?

Нима учун эл қутулмас таловдан?

Нима учун элни босган ҳашарот?

Дин, хирож деб ўз-ўзига қўйди от?

Нега қилди элни бунча гадоё , хор?

Нега бўлди ҳамма сенга отбоқар?

Қиз онадан, хотин эрдан ажралди,

Косиб уйдан, деҳқон ердан ажралди?

Нима учун?

Кўрамизки, Муқанна араб фотиҳлари юритаётган сиёсат билан ислом нақиллари мос эмаслигини, Аллоҳ номи билан қилинаётган ишлар аксар унинг буюрганларига зидлигини таъкидлайди. Умид қиламизки, зукко ўқувчи «нима учун» билан бошланувчи ҳар бир сатр ортида аксланувчи муаллиф замонаси, унга яқин ўғмишни шарҳсиз ҳам фаҳмлаб олади. Боз устига, ушбу сатрларни ўқиганда у беихтиёр Чўлпоннинг машҳур «Бузилган ўлкага» шеърини эслайди, унинг дардию оҳангини ҳис қилади. Табиий бир савол туғилади: хўш, нима учун Ҳ.Олимжон — яқиндагина «адабиётимиздаги миллатчилик кўринишлари»га қарши курашган, «Бузилган ўлкага»га қарши ўлароқ «Тузалган ўлкага»ни ёзган авлод вакили — «Муқанна»да Чўлпон оҳанглари тиклади? Тасодифми, миллий-адабий анъаналарнинг гайришуурий таъсирими? Бизнингча, бугина эмас. Модомики, Ҳ.Олимжон «Муқанна»ни яратиш онларида Чўлпонга руҳан яқинлигини яширмай ифода этибди, демак, бундан аниқ бир мақсадни кўзлаган — ўқувчисини-да шу руҳга ошно этишни ният қилган...

Халкининг, шу халқ вакили сифатида ўзининг қуллигини англаган инсон нужудида миллий гурур жунбушга келиши, қалбида аламли изтироб кўзғаши табиий. Бунақа пайтда киши мустамлакачиларнинг, мустамлакачи халқ нақилларининг ўз халқига, ўзига қандай муносабатда эканини мушоҳада этишга мойил бўлади ва, айтиш керакки, изтироблари янада кучаяди. Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий... лар асарларида кузатилган бу нав кайфият «Муқанна» устида инлаётган палла Ҳ.Олимжонга ҳам ёт эмас эди. Муқанна тилидан айтилган тубандаги сўзлар, бизнингча, фикримизни далиллай олади:

Душманларинг, ожиз бўлсанг сен агар,

Меҳмон бўлиб келиб сенинг уйингга,

Кўкрагингга тепиб кирар тўйингга.

Ҳақоратга кўмар сени у тоза...

Ринишлари, бу сўзлар юртга энди босиб келиши мумкин бўлганлар(дейлик, немис финишлари) ҳақида бўлолмайди, улар кўпроқ юртга ростмана эгалик қилиб

турганлар ҳакидар. Бу — миллатининг ўзлигига тажовуз бошлангани, миллий кадриятларининг топталаётганига амин бўлган муаллифнинг қалб исёни, «йўлини килиб» урган бонгидир. Араб саркардаси Баттолнинг Гулойинга қарата айтган «Сен асирсан, қайдан сенга бахт бўлсин, Шодликка ҳам керак ахир — уй, ватан» деган ҳақоратли таънаси (ўзингда мавжуд камчиликни юзга солиб қилинган ҳақоратдан оғирроқ ҳақорат бўлиши мумкинми?!) ҳам, аввало, ўз юртида сиғинди, ватанида беватан бўлган муаллифнинг ўзига, юртдошларига қаратилган. Қурол кучи билан ўзга бир халқни бўйсундирган Баттол «Қилич билан кирдим мен бу тупрокка, Яна килич чиқаради қирғоққа» дея ишонади, бу ишонч уни ҳаволантирган, ўзидан кетказган. Шунинг натижаси ўларок, Баттол ўзини бу ўлкада истаган нарсасини килишга ҳақли деб билади. Ёлғиз кучга ишонган, унгагина топинган бу одам, табиийки, юртнинг асл эгаларига беписанд муносабатда бўлади:

Шуни билки, халқ мисоли бир пода,

Хохи отда, хохи бўлсанг пиёда

Ҳайдай олиш келса агар қўлингдан

Пода юрар сен бошлаган йўлингдан...

Албатта, бу ҳақоратомуз гаплар ўқилганда ва ё сахнадан янграганда ўқувчининг, томошабиннинг миллий гурурига тегиши, «нахотки пода бўлсак?» тарзидаги ўйга толдириши табиий. Муаллифни ҳам шу ўй қийнаганки, бунинг зидди сифатида «тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлмоқ»ни афзал билган қаҳрамонларни, шу хулоса бўртиб турадиган сахналарни яратади. Хусусан, Гулойин ўлар чоғи «Бир неча кун ҳавас билан яшадим, Ҳатто эркин нафас билан яшадим» деркан, фақат шу эркинликдаги «бир неча кун»нигина яшаш деб билади. Зеро, унинг учун кулликда кечган умр — ҳаёт эмас. Сўзнинг, санъатнинг соҳир кучи таъсирида ҳаёт билан видолашаётган кизнинг: «Армоним шу: кўролмадим элни шод, Кўролмадим ватанни ёвдан озод» деган армони ўқувчига, томошабинга мерос бўлиб қолади...

1. Юқорида айтганимиздек, «Муканна»да бевосита ўзи яратилган пайт — уруш даврининг ижтимоий-сиёсий ҳолатига қаратилган актуал мазмун юзадаёқ калқиб туради. Бу ҳақда кўп фикр билдирилгани, иккинчи томони, мақсадимизга кирмагани боис бунга тўхталмадик. Аксинча, биз уни фикран олиб ташлаб, асарнинг чуқурроқ катламларига назар солишга, шу орқали муаллифининг ижод онларидаги руҳиятини тасаввур қилишга, ўй-фикрларини уқиш, ҳис-туйғуларини кўнгилдан кечириб кўришга интилдик. Маълумки, конкрет ижодкор томонидан яратилган асарларнинг бари бир текис яхши, бари ҳам санъат ходисаси бўлолмайди. Фақат яратилишига *шахсий ёки ростмана шахсийланган ижтимоий дарднинг ҳосиласи бўлмиш маънавий-руҳий эҳтиёж туртки бўлган, чинакам ижодий-руҳий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарларгина* санъат ходисаси саналиши мумкин. Бундай асарларнинг ҳар бири — ижодкорнинг идеалга (Ҳаққа, ҳақиқатга) яқинлашувидаги тугал бир босқич. Демакки, «Муканна»ни ёзган Ҳ.Олимжон «Муканна»гача бўлган Ҳ.Олимжон эмас. Зеро, ўтмиш орқали *замонаси ва замонасидаги ўзини* англаган Ҳ.Олимжон қарашларини янгидан тизим сифатида бутунлаб олган, энди шунга мос мақом тутиши мумкин бўлган шахсдир. Яъни, энди у «бахт ва шодлик куйчиси» бўлолмайди, аксинча, узоқ ва ўзига яқин ўтмишдан келаётган эрк куйига қўшилиб хиргойи килиши табиийроқ. «Муканна» билан Ҳ.Олимжон миллатнинг асл фарзандлари куйлаган эрк куйига жўр бўла

пайванди, тўғри исос билан «Мен элимнинг юрагида яшайман, Эрк деганнинг тилагида яшайман» дейишига ҳақли эди (Қаранг: Куронов Д. Ҳамид Олимжонни ёшларнинг?// "Адабиёт надири" ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Зарқалам, 2006.- б. 43-56).

## 6. ҲАМИД ОЛИМЖОН ИЖОДИ ВА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИГИ<sup>1</sup>

Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззахда тугилган. У Наримонов номидаги мистабда, Самарқан билим юртида, сўнгра Ўзбекистон давлат педагогика академиясида таълим олади. Нашриёт ва редакцияларда маъсул вазифаларда ишлаган.

Ҳ. Олимжон 20 йиллик ижодий фаолияти мобайнида “Кўклам”, “Олов ёлчилар”, “Ўлим ёвга”, “Дарё кечаси”, “Ўлка”, “Бахт”, “Кўлингга қурол ол!”, “Нашон”, каби шеърий тўпламлар, “Зайнаб ва Омон” сингари ажойиб дoston, “Мукашша” каби драмалар яратди.

Шоирнинг “Ойгул ва Бахтиёр”, “Семург ёки Паризод ва Бунёд” шеърий цикллари болалар адабиётига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, дарсликлардан доимий ўрин олган.

Ҳамид Олимжоннинг китоблари рус ва қардош халқлар тилларига ҳам тиржима қилиниб, севиб ўқилмоқда.

Шоирнинг “Лола”, “Ватан”, “Самолёт”, “Хулқарнинг шеъри” ва “Болалик” шеърлари бир неча авлод фарзандлари тилларида жаранглаб келмоқда. Унинг болаларга бағишлаб яратган барча шеърларида қайноқ муҳаббати акс этган. Миктабгача тарбия ёшидаги болаларга бағишланган “Лола” шеъридаги Лола минглаб лолаларнинг бири. Лола ҳар бир кунини гул-лолаларга бурканиб қувнаб-қувнаб ўтказади:

Лола боғчага чиқиб,  
Кечга қадар гул терди.  
Этак-этак тўплади,  
Ҳар кунгидан мўл терди.  
Сочига гул боғлади,  
Чеккасига тақди гул.  
Елкаларидан ташлаб,  
Гулга кўмилди буткул,  
Сўнгра уйга келди-ю,  
Бирпас ётиб дам олди.  
Киприги юмилди-да,  
Гул каби ухлаб қолди.

Ҳамид Олимжон Ватан мавзуида қалам тебратар экан, унинг кўз олдига қилби қувончга тўлган ёш бўғинлар келади. У Ватанимизни кичкинтойларсиз тасаввур қилолмайди. “Ватан” номли шеърида боланинг ўз ватанига бўлган чексиз меҳру муҳаббати ўз аксини топган:

Шодлигим кўкка сиғмас

<sup>1</sup> Ушбу мақола профессор М.Жумабобоев қаламига тегишли – муаллифлар.

Битмас бахтим бор маним.

Мени бахтиёр қилган

Шу енгилмас Ватаним.

Ҳ. Олимжон халқ оғзаки ижоди асарлари таъсирида “Ойгул билан Бахтиёр” (1937), “Семург ёки Паризод ва Бунёд” (1939) каби ажойиб дostonларини яратди.

Болалар қалбини ром этадиган, уларни Ойгул каби мард ва жасур кишилар бўлиб камол топишга ундайдиган “Ойгул билан Бахтиёр”ни шоир халқ оғзаки ижоди асосида яратади. Узок йиллар хон хизматини адо этган қуллар ҳақсизлик, адолатсизликка қарши бош кўтардилар. Кўп кон тўкилади. Лекин у адолатли жангда кўзгалон кўтарган қуллар мағлубиятга учрайдилар. Аммо халқнинг бу кўтарилиши ҳеч қачон сўнмайди.

Жамбил хони кўзгалончилар бошлиги Дархонни ўлдиртиради шу онда кўзи унинг соҳибжамол қизи Ойгулга тушади ва унга уйланмоқчи бўлади. Ойгёл ҳеч иккиланмай хонга рад жавобини беради. Дostonда қизнинг хонга берган жавоби барча исёнчиларнинг қалб садоси сифатида янграйди:

Тағдирим ёр бўлса-ю,

Фурсат қулай келса-ю,

Сени агар ўлдирсам,

Танинга ҳанжар урсам,

Дунёда энг бахтиёр

Одам бўлардим номдор...

Ойгул ёш китобхон халқ кўз ўнгида халқ химоячиси, халоскори ва қаҳрамони сифатида гавдаланади. Яна Ойгулнинг ноёб ҳислати – инсонпарварликдир. У инсон кадрини улуғлайди, инсонни таъқирланишига, топталишига қарши бош кўтаради. Ундаги ўзликни англаш ва миллий уйғонишни Ҳамид Олимжон муҳит ва шароитдан келиб чиқаради.

Ойгул ақл-заковат билан иш кўриб Сусамбилдек бир юртни обод ўлкага айлантиради. Ойгул характери зиддиятлар, курашлар жараёнида ўсиб-улғаяди. Унинг қалбини чўлғаб олган чўғ тинчлик бермайди. Сусамбилдек гўзал юртни барпо қилган баҳодир киз эндиликда хон устига юриш қилади. Отаси, бесабаб қирилган қуллар қасдини олади. Тахтга қул Тарлонни ўтказишади.

Шоир ижобийе қаҳрамон Ойгул характерини юксак маҳорат билан чизади. У бизнинг кўз ўнгимизда оддий, камтарин, жафокаш қиздан воқеалар жараёнида афсонавий қаҳрамон даражасига кўтарила боради. Масалан, биз унинг Жамбил ўлкасига қилган юришини кузатиб кўрайлик:

Яшнаб мисоли бир гул,

Ер-кўкни овозаси

Тутиб кетганди Ойгул,

Жамбилнинг дарвозаси,

Очилмади. Шунда ул

Дарғазаб қилич солди,

Дарҳол қайтариб олди:

Кулфлар шарқ-шарқ

Ўйнаб очилиб кетди,

Дарвозалар бўлади қул,

Ҳар тўп қўйган чоғида

Саройлар қулаб буткул,

Зўр қўшин кириб борди.

Савалаб уриб борди.

Жамбилни хон беклари

Қуён бўлиб қочдилар.

Чуқурлар, горлар сари

Кучоғини очдилар.

Бу кучли юксак маҳорат намунасидаги тасвир Ойгулнинг шашти, гайрати билан мос тушади. Натижада орзу-умиди, курашнинг тимсоли, эл паноҳи бир бутунлигича китобхон кўз ўнгида гавдаланади.

Ойгулни эл севади, ардоқлайди. Ватан ва халқолдидаги хизматлари унинг ўқини тоғ қилади. Болалар Ойгул образи мужассамлашган бу дostonни қайта-қайта ўқийдилар. Зотан, Ҳамид Олимжон ва унинг ижодий чўккиси бўлган “Ойгул билан Бахтиёр”нинг умрбоқийлиги ҳам ана шундадир.

Шоирнинг “Семурғ” дostonи ҳам энг илҳом билан ёзилган асарларидан бири ҳисобланади. Дostonда тасвирланишича, хон кизи турмушга чиқиш учун шарт қўяди, унинг шартини оддий чўпон Бунёд бажаради. Лекин қиз йигитнинг аддий кинилардан эканлигини билгач, унга турмушга чиқишни ўзига муносиб кўрмайди. Бунёдни йўқотиш ниятида баҳодир йигитни инсон душмани бўлмиш ёвуз дев билан олишишга юборади. Девни енгиб қайтса, тўйга рози эканлигини айтиб, шўрлик қилади.

Афсонавий қаҳрамон Бунёд яхшиликнинг ашадий душмани, даҳшатли девни йўқотишга отланар экан, бу мушкул ишни мувофақиятли адо этиш, зафар билан қайтиш нихоятда ҳавфли эканлигини жуда яхши ҳис этади. Лекин унинг руҳида элга бахт бермоқ ҳисси ҳукмрон:

Одамларга бахт бермоқ,  
Бахтлиларга гул термоқ  
Элдан шиорим бўлди,  
Номус ва орим бўлди.

Бунёд ана шу юксак идеали учун ҳам кучли ва энгилмасдир. Мана шу олиҳиммат, шу юксак инсонпарварлик унга куч-қудрат, энгилмаслик, қаҳрамонлик, жасорат, зафар бағишлайди. Бунёд эл-юрт учун қўлига қилич олган, мардлик, жасорат камарини белга боғлаган.

Бунёднинг даҳшатли дев билан мардонавор олишиши ҳаққоний, адолат кучлари ҳамиша қабоҳат ва зулмат кучлари устидан муқаррар ғалаба қозонажаги авж пардаларда куйланади. Эл-юртни ёвуз душман босиб олганда йигитлар курашга қандай матонат билан отлансалар, Бунёд ҳам дев билан ана шундай жасорат билан жанг қилади. Чунки дев қонхўр. У инсонларга мудҳиш офатлар келтиради: “Уни кўрган ҳар чаман, тез булар экан хазон”.

Дostonда ижобий қаҳрамон Бунёдни димоғдор, ўзига ортиқча оро берган, мол-мулкка муккасидан кетган Паризоднинг алдаши, риёкорлик кўрсатиши ҳаққоний тасвирланган. Халқда “Тенг-тенги билан” деган гап бор. Бу гапни шоир Паризод тилидан жуда ўринли ва ишонарли қилиб берган. Шоирнинг таърифига ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ:

Чўпонни севолмадим,  
Ҳеч кўнгил кўёлмадим.  
Ғурбатга қорганимнинг  
Девга юборганимнинг  
Сабаби шунда эди.

Кўнглим тугунда эди...  
Қанча ботир бўлсанг ҳам,  
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам,  
Тўшагинг хас деб билдим,  
Аслингни паст деб билдим.

Ҳамид Олимжоннинг Ватан уруши даврида яратган “Жангчи Турсун” билладаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаб келмоқда.

## 7. ҲАМИД ОЛИМЖОН – ВАТАН КУЙЧИСИ (СЦЕНАРИЙ)

*Саҳна. Саҳнага бир қатор ўзбек шоирларининг суратлари қўйилган.*

*Бир қиз ва ўғил бола ўзбек шоирларининг расмларини томоша қилишмоқда. Қиз бир суратни авайлабгина қўлига олади.*

ҚИЗ: - Бахтиёр, каранг, мана бу расмдаги киши ким? Танийсизми?

БОЛА: - Қани, Манзурахон, бир курай-чи? Ахир бу шоир Ҳамид Олимжон бобомиз-ку?

- Манзурахон, бобомиз ўз шеърларида Ватанисизнинг хур, озод, обод, гўзал, худди ҳозиргидек мустақил бўлишини орзу қилганлар. Келинг, мен сизга ҳозир аямлар ёд олдирган шеърлардан бирини айтиб бераман.

ҚИЗ: - Қани айтинг-чи?

БОЛА: - “Ватан” шеъри.

Шодлигим кўкка сигмас,  
Битмас бахтим бор маним.  
Мени бахтиёр қилган  
Шу енгилмас Ватаним.

Каранг, Манзурахон, бобомиз Ватанни жуда чиройли таърифлаганлар-а.

ҚИЗ: - Раҳмат. Менга бувижоним бобомиз ёзган эртақлардан ўкиб берадилар.

Ўт боғлаган қанотлар.

Беқанот учган отлар.

Сўйлагувчи деворлар,

Бола бўб қолган чоллар...

БОЛА: - Жуда соз, Манзурахон.

ҚИЗ: - Келинг, яхшиси, Ҳамид Олимжон бобомизнинг ҳаётлари ва ижодлари ҳақида тарбиячи опамиздан билиб оламиз.

БОЛА: - Ҳзир сайр вақти. Ҳамма болалар сайрда, юринг, ўша ерга чиқиб, Нилуфар опамиздан шоир бобомиз ҳақида сўзлаб беришларини сўраймиз.

*Иккала бола Ҳамид Олимжон суратини жойига илиб қўйиб, боққа чиқиб кетишади.*

*“Ўрик гуллаганда” рақсини қизлар ижро этишади. Раққоса қизларнинг либослари шундай моҳирона тикилганки, уларнинг қўллари ҳаракатланганда, турли баҳорий гуллар шакли ҳосил бўлади.*

БОЛА: - Насиба опа, Нилуфар опа!

ТАРБИЯЧИ: - Ҳа эшитаман, болажонларим.

ҚИЗ: - Опажон бизга шоир Ҳамид Олимжон ҳақида сўзлаб беринг, илтимос.

ТАРБИЯЧИ: - Вой, менинг кизукувчан, қувнок болажонларим. Аввал ҳаммаларингиз ўз жойларингизга ўтириб олинглар. Ана энди кулоқ солинглар.

Ҳамид Олимжон бобомиз 1909 йил 12 декабрда Жизах шаҳрида туғилган. Самарканд билим юртида, сўнгра Ўзбекистон давлат педагогика академиясида таълим олганлар. Кўплаб шеърлар, эртақлар ва поэмалар ёзганлар. Болалар, кани уларнинг номларини ким айтади?

1- БОЛА: - Ҳамид Олимжон бобомиз “Лола”, “Ватан”, “Болалик”, “Кўклам”, “Ўлка”, “Бахт” номли шеърлар ёзганлар.

**ТАРБИЯЧИ:** - "Бахтиёр водийи", "Зайнаб ва Омон" поэмаларини эртанлар.

**У - БОЛА:** Яна-чи, Исаиба она, бобомизнинг "Ойгул билан Бахтиёр", "Садур ваки Парвон ва Ёунёд" каби шеърий эртақлар жуда кизиқарли.

**БОШЛОВЧИ:** - Ҳамид Олимжон бобомиз шеърлар билан биргаликда киноялар, очерклар, дostonлар, драмалар, шеърий эртақлар муаллифи. Шарк куксон шеъринини зўр кизиқиш билан ўрганиб, Алишер Навоий, Саъдий, Ҳофиз, Хасан Дехлвий, Жомий асарларини севиб ўқиганлар. Рус шоирларидан Пушкин, Дарвинсон шеърларини ўзбек тилига таржима қилганлар. Бобомизнинг сўзи ҳеч қачон тинмайди. Янги авлодлар қалбида жаранглайверади.

**ТАРБИЯЧИ:** Келинлар, энди бобомизнинг шеърларини ёд оламиз:

Водийларни яёв кезганда,

Бир ажиб хис бор эди манда,  
Чанпар уриб гуллаган богин,  
Ўпар эдим Ватан тупрогин.  
Одамлардан тинглаб хикоя  
Ўсар эди шоирда гоёя.

**БОЛА:**

Дарёлардан куйлаб ўтардим,  
Эртақларга кулок тутардим.  
Ҳаммасини тинглардим, аммо,  
Ўхшашини топмасдим асло.

**ҚИЗ:**

Ўхшаши йўк бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон,  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.

**БОЛА:**

... Шундай ўлка доим бор бўлсин,  
Шундай ўлка элга ёр бўлсин.  
Омон бўлсин оғайнилари,  
Омон бўлсин дўстларнинг бари.

**ТАРБИЯЧИ:** - Менинг зукко ўғилларим, оқилла кизларим. Ҳозир сизларга мен ҳам шоирнинг бир шеърини ўқиб бераман.

Деразамнинг олдида бир туп  
Ўрик оплоқ бўлиб гуллади...  
Новдаларни безаб гунчалар  
Тонғда айтди ҳаёт отини.  
Ва шабодда қурғур илк сахар  
Олиб кетди гулнинг тотини.  
Ҳар баҳорда шул бўлар такрор  
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади...

*Кейин болалар шеър ўқий бошлашади.*

**БОЛА:**

Мана сенга олам-олам гул,

Этагингга сикқанича ол.

Бунда толе ҳар нарсадан мўл,

То ўлгунча шу ўлкада қол.

**БОШЛОВЧИ:** - Доно йигитлару барно қизлар. Сизларнинг бурро забонингзидан сизиб чиқаётган ҳар бир шеърӣ мисрани тингла, хаяонланмоқдамиз. Ёд олган шеърларингиз учун ташаккур. Бизни яна нималар хушнуд этмоқчисизлар?

**ТАРБИЯЧИ:** - Болалар! Энди “Семурғ” поэмасидан кўриниш намоӣиш этамиз.

*Малика тахтда ўтирибди. Ёнида иккита канизаги, вазири в абишқа сарой аъёнлари.*

**ВАЗИР:** - Маликам, чўпон Бунёд сизнинг хузурингизга кирмоқ истаиди.

**МАЛИКА:** - Бунёдни чорланг.

**БУНЁД:** - Маликам, хузурингизга кўлингизни сўраб келдим. Буюринг, хизматингизга тайёрман!

*Тиз чўкади.*

**МАЛИКА:**

- ... Кун ботарда бир ёвуз,  
Дев бор эмиш ялмогиз...  
Уни кўрган ҳар чаман  
Кўяркан тупрокқа тан...  
Икки ою икки йил,  
Юрсанг маҳкам боғлаб бел,  
Маконига борарсан,  
Андомига қарасан...  
...Девни ўлдириб агар,  
Қайтиб келсанг безазар,  
Шу кунни тўй бошлармиз.  
Ғам-гуссанни ташлармиз

**БОШЛОВЧИ:**

- ... Бунёд узокка бокди,  
Чорвокқа, токқа бокди.  
Назари чўлга тушди,  
Хув дея йўлга тушди...  
... Поёни йўк кенг чўлд,  
Қайнаган кумлик, кўлда,  
Бир зўр дарахт кўринди,  
Ўшанга кўзи тўнди...  
Унинг баланд бошида  
Қуш уяси бор эди.  
... Дарахтга зўр бир илон  
Чирмашиб, у ошиён  
Сари заҳар сочарди,  
Ҳам оғзини очарди.  
Чақалар чиркирашиб

Овнини кўтар эди,  
Қон, зардоб ютар эди.  
Бағрини ўртаб, у дод  
Яқинроқ борди Бунёд.

*Бунёд қиничи билан дарахтдаги илонни ўлдириб, майдалаб ташлайди.*

*Сўғри чарчаб, дарахт тагида ухлаб қолади.*

**БОШЛОВЧИ:** - Бунёд дарахт соясида уйкуга кетди. Бу вақтда Семурғ қуш уясига қайтиб келди, аммо у Бунёдни кўриб қолиб, уясига ҳам кўнмасдан, Бунёднинг боши узра чарх урди. Бунёдни емокчи бўлди.

**БОШЛОВЧИ:**

- Чақалари чиркираб,  
Кўз ёшлари тиркираб,  
“Қизгон, она, ўксизни  
Ўша қутказди бизни.  
Бўлмаса, ўлар эдик,  
Очилмай сўлар эдик,  
Бизни ер эди илон,  
Айрилардинг, онажон”.

**БОШЛОВЧИ:**

-... Бунёд салқин сояда,  
Етти тунни ухлади...

*Қуш сув ичиб келиб, қанотларини силкитади. Бунёд сесканиб уйғонади.*

**СЕМУРҒ ҚУШ:**

- Сўйла менга, эй одам,  
Бошингга тушди не ғам?  
... Тилагингни айт менга,  
Не кўмак берай сенга?...

**БУНЁД:**

- ... Дунёни ғамга кўмган  
Девни бир кўрмоқчиман.  
Кўриб, ўлдирмоқчиман.  
Одамларга бахт бермоқ,  
Бахтлиларга гул термоқ,  
Элда шиорим бўлди,  
Номус ва орим бўлди...

**СЕМУРҒ ҚУШ:**

... Кел, эса устимга чик,  
- Менинг қанотимга чик...  
Мен кунингга ярайин,  
Сени олиб борайин...

*... Бунёд қушнинг елкасига миниб, у билан учиб, қалин ўрмонзорга етди.*

**БОШЛОВЧИ:**

- Бунёд етти кун кезди,  
Етти қаро кун кезди,  
Энг охири тун чоғи,

Бир хид сизди димоги...  
...У яна юрди бир оз,  
Охир, дев чикди пешвоз...

**ДЕВ:** (кулиб)

- Салом, ўғлим, кел  
Душман эмас эл...  
Тилагингни айт менга  
Не мурод керак сенга.

**БУНЁД:**

- ... Бунёд сенга эл эмас,  
Эл бўлганни дев емас.  
Сен бир офат эмишсан...  
Зўр қабоҳат эмишсан...  
...Бошингга етажакман,  
Ўлдириб кетажакман...

*Бунёд қиличини чиқариб, дев билан жанг қилади. Дев қулаб, йиқилади. Бунёд қиличини ювиб, бир ўтиб, қинига солади.*

**БОШЛОВЧИ**

- ... Йигит Бунёд мардона,  
Марду баҳодирона  
Юриб ўрмондан чикди...

**СЕМУРҒ** (учиб келади):

Ғавғо ва қондан чикди...  
- Менинг қанотимга чик!  
Энди кетга қайтайик,  
Элга дoston айтайик.

*Семурғ Бунёдни ўз ўлкасига элтади.*

**БОШЛОВЧИ:**

- Тоғлар ошди, қир ошди  
Ойлар бўйи адашди.  
Кунларини санади.  
Тунларини санади.  
Англади роса уч йил  
Кезганини мутассил...

**ТАРБИЯЧИ:** - Мана, болажонлар, “Семурғ” поэмасидан бир сахна кўринишини томоша қилдик. Бунёднинг қахрамонлиги, жасоратига гувоҳ бўлдингиз.

Шоир Ҳамид Олимжон шеърларини ўқиб, эртақларини тинглаб, ҳаммамизни мамнаун этдиларингиз. Зеро, Сизлар ўз тарихини, маънавий бойликларини эъзозлайдиган, ўзлигини кадрлайдиган мустақил эл фарзандларисиз.

## ХУЛОСАЛАР

Ошанда эл севган шоир хақида ёзилган мақола ёки китоб ҳам кўпчиликнинг эътиборида бўлади. Ҳ.Олимжон хақида ёзиш тадқиқотчига ана шундай катта имконият беради. Шоирнинг лирик, лиро-эпик ва драматик асарларига халқ билан ижодий алоқанинг кўрсатган таъсири юзасидан айтиб ўтилган фикрлар бизнинг назаримизда қизиқтириши, дастлабки фикр-мулоҳазаларимиз натижаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Демак, Ҳ.Олимжон ижодида фольклор намуналари асосан икки усулда қўлланилган. Биринчиси – муаллиф ёки персонажлар нутқини далиллаш, унинг таъсири ва ихчамлигини таъминлашдан иборат. Бунда муаллиф гоёси ўқоқ, фольклор асарининг жанри эса асосий роль ўйнамайди. Масалан, “Йигитларни қонга жўнатиш”, “Хат” каби шеърларда бу функцияни мақоллар бажарган бўлса, Мухоммад драмасининг бир эпизодида афсона ана шундай мақсадга келтирилган.

Иккинчи усул халқ оғзаки бадиий ижодидаги тайёр мотивни ижодий қайта ишлашдир. Биз буни шоирнинг биргина “Қишлоқ қизи” шеъри мисолида кўриб ўтидик. Ҳ.Олимжон ижодининг кейинги даврида бу усулдан умуман фойдаланмаган. Бу ҳол мазкур иккинчи усул ижодкордан маълум даражада мустақилликни олиб қўйиши, унинг фольклор қонуниятлари доирасидан ташқарига чиқа олмаслиги билан изоҳланса керак.

Ҳ.Олимжон юқоридаги асарлари фольклорнинг умуман ўзбек-совет адабиётига кўрсатган таъсирини ўрганишнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, шоирнинг “Алпомиш” достонини ёзиб олиб ва нашрга тайёрлашдаги хизматлари, халқ оғзаки ижодитётига доир мақолалари, шунингдек, хикоялари ва очеркларидан фольклор намуналаридан фойдаланиши масалалари ҳали махсус тадқиқот объектга айлангани йўқ. Улар адабиётшунослигимизнинг келгусидаги долзарб муаммолардан биридир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов С.О. Ҳамид Олимжон абадияти. Тошкент 1967.
2. Белинский В.Г. Сочинения в трёх тома, т.2, стр 709.
3. Ёқубов Х. Сайланма. 2 томлик, 2 том, Тошкент, 89.
4. Жумабоев М. Болалар адабиёти ва фольклори. Тошкент: 2006.
5. Зарифов Х. Ўзбек фольклористикаси тарихидан. – Ўзбек совет фольклори масалалари. Тошкент, 1970.
6. Зоҳидов В. Бахт ва баҳор муборизи – донолар давраси. Тошкент, 1973.
7. Каримбобоева Р. Ҳ.Олимжон ижодида фольклор. – Ўзбек тили ва адабиёти. 1980
8. Каримов Н. Ҳ.Олимжон. Тошкент, 1979.
9. Каскабасов С.А. Казахская волшебная сказка. Алма Ата, 1972.
10. Мамажонов С. Шоир дунёси. Тошкент 1979.
11. Маъмуров М. Традиции фольклора в узбекский советской поэзии. Самарканд, 1973.
12. Мирзаев С. Ҳ.Олимжон ва халқ оғзаки ижоди. Тошкент, 1970.
13. Пулатов Т. Шакл-томир, мазмун – қонми? Давра суҳбати. – Ёшлик, 1983, № 1, 74-бет.
14. Рўзимбоев С. Шоирнинг илҳом манбаи // Хоразм дostonчилиги эпик ашъаналари. – Урганч, 2008. – 39-42-бетлар.
15. Саримсоқов Б.И. Типологии фольклоризмов // Фольклор, литература и истории Востока. - Т., 1984.- 271-бет.
16. Штернберг Л.Я. Семья и род у народов Северо - восточной Азии. 1933, стр 37-38.
17. Ҳамид Олимжон. Муқаммал асарлар тўплами (МАТ). 10 томлик, 1- том, Тошкент, 1979.
18. Ҳамид Олимжон МАТ, 5-том, 1982.
19. Ҳамид Олимжон МАТ, 2-том, 1979.
20. Ҳамид Олимжон МАТ, 3-том, 1981.
21. Ҳамид Олимжон МАТ, 4-том, 1981.
22. Қодирий А. Кичик асарлар. Тошкент, 1969.
23. Қуронов Д. Ҳамид Олимжонни биламизми?// “Адабиёт надири” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. Т.: Зарқалам, 2006.- Б.49-56

## МУНДАРИЖА

1. Ҳамид Олимжон ижодининг шаклланишидаги манбалар ва таърихий омиллар.....	3
2. Ҳамид Олимжон шеърлятига фольклор руҳининг таърихий-эстетик таъсири масаласи.....	7
3. Ҳамид Олимжоннинг Ҳамид Олимжоннинг	
4. Ҳамид Олимжоннинг драмалари ва достонларнинг халқчиллик негизи.....	17
5. “Муқанна” драмаси ҳақиқат ва ривоят оралиғидаги асар сифатида.....	28
6. Ҳамид Олимжон ижодий фаолиятига муносабат.....	32
7. Ҳамид Олимжон ижоди ва болалар китобхонлиги.....	45
8. Ҳамид Олимжон – Ватан куйчиси (сценарий).....	48
Хулосалар.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54

**Умурзоқ Жуманазаров,  
Бахтиёр Очилов**

**ШОИР ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.**

**(Илмий рисола)**

**Мухаррир М. Содикова  
Компьютерда терувчи: Қ.Маматқулов**

Теришга берилди 10.05.2009 й. Босишга рухсат этилди 24.05.2009 й.  
Қоғоз бичими 84 x 60 1/16. Ризография усулида, 70 гр/м2.  
Хисоб-нашриёт 3,2. Шартли босма табоқ 3,5. 126-букюртма.  
100 нусхада. Баҳоси шартнома асосида.

---

ЎЖиззах шаҳри, «SJT» босмаҳонаси, А.Азимов кўчаси, 81-уй.  
Тел. 8 (372) 22222-34